кутубхонаси

*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*


# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган,
**E-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com
**web sayt:** www.21asr.uz

2012 йил 9 февраль, пайшанба
**06-(430)-сон**

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI





**2000** йилда тадбиркорларга **200** млрд, **2011** йилда эса **4** трлн. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди

03 ИСЛОҲОТ





**2011** йилда ССП **108,1** млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашди

04 ТАДБИРКОРЛИК





Ҳар йили ҳаво бўшлиғига **22** млрд. тоннага яқин зарарли чиқиндилар чиқарилмоқда

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ


## БИЗНЕСНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТИ ҚАНДАЙ МЕЗОН БИЛАН ЎЛЧАНАДИ?

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «2012 ЙИЛ — ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ» НОМЛИ МАЪРУЗАСИДА ЖАМИЯТДА ТОБОРА МУСТАҲКАМ ЎРИН ЭГАЛЛАЁТГАН **БИЗНЕСНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТИ** МАСАЛАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Маълумки, 2008 йилдан буён жаҳон иқтисодиётини турли синовларга дучор этаётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида таҳлилчилар бизнеснинг жамиятда тутган ўрни ва унинг ижтимоий масъулияти масаласига кўпроқ эътибор қарата бошладилар.

3 ►►

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ 2011 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ ВА ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ЮЗАСИДАН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ УЧУН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗДИ



Солиҳ ЗОИР олган суратлар

# Қўмита журналистлар «имтиҳон»идан ўтди

**Қўмита раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоевнинг таъкидлашича, қўмитанинг 2011 йилдаги фаолияти "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"ни амалда рўёбга чиқариш юзасидан 2011 ва кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури» асосида олиб борилди.**

Бунда асосий эътибор фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини кенгроқ амалга ошириш, ОАВнинг иқтисодий эркинлиги ва молиявий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот-комуникация технологияларини жорий қилиш масалаларига қаратилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, ОАВнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмини яратиш ҳам қўмита фаолиятида муҳим ўрин эгаллади.

Бу борада қўмита томонидан 7 та қонун лойиҳаси устида иш олиб борилганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Хусусан, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, палатага киритилди ва қабул қилинди.

2 ►►

Ёшлар қаноти

# Истиқлол солномаси — ёшлар нигоҳида

O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ **«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА»** АСАРИНИНГ ЁШЛАРДА ЖАСОРАТ, ФИДОЙИЛИК ВА ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ МАВЗУИДА КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик қутлуғ байрами арафасида нашр этилган ушбу китоб ҳақиқатан ҳам маънавий ҳаётимиз ва халқимиз сиёсий тафаккурини бойитишга хизмат қилувчи ноёб асар бўлди. Аждодларимизнинг асрий орзуси, бугунги кунда кўпмиллатли халқимиз учун энг улуғ, энг азиз қадриятга, барча эзгу мақсад ва ҳаракатларимиз, бунёдкорлик ишларимиз манбаига айланган мустақилликка эришиш йўлида 1989-1991 йиллар мобайнида олиб борилган ўта оғир ва машаққатли курашлар тарихи китобнинг бош мавзусини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, Президентимиз асарида ўша даврдаги ниҳоятда мураккаб жараёнлар билан бирга, одамларга ер ва мулк ажратиш, фуқароларнинг бу борадаги манфаат ва интилишларини қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу асар мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мулкчиликнинг турли шакллари, хусусий мулк эгалари, мулкдорлар қатламини юзага келтириш учун илк қадамлар қўйилганидан ҳам далолат беради.

— Истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан олиб борилган изчил сиёсат туфайли мамлакатда мулкдорлар қатламининг пайдо бўлиши учун мустаҳкам замин яратилди, — деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев. — Ўтган йиллар давомида эса соҳани тартибга солувчи 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимояси мустаҳкамланди. Натижада ўрта синф — мулкдорлар қатлами мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи кучига айланди. Бу борада олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар бевосита O`zLiDePнинг сиёсий майдонга келиши учун ҳам замин яратди. Асарда юртимизда ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар назариясининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари, мустақилликка эришишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бозор муносабатларига ўтишнинг назарий ва амалий пойдеворини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган мушоҳадалар O`zLiDeP фаолияти учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Анжуманда таъкидланганидек, ушбу асар бугун яқин ўтмишимизда содир бўлган тарихий жараёнларни сохталаштириб, одамларни, айниқса, у замонларни кўрмаган-билмаган ёшларни тўғри йўлдан чалғитишга уринаётган, ўз қабиҳ ниятлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кучларга қарши курашда ниҳоятда муҳим манба, таъбир жоиз бўлса маънавий асос бўлиб хизмат қилади, албатта.

2 ►►

Сиёсий таълим



## ПЕШКУ ВА ҚОРОВУЛБОЗОРДА СИЁСИЙ ЎҚУВЛАРГА ЮЗАКИ ҚАРАЛМОҚДА

ЮРТБОШИМИЗНИНГ **«МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»**ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР O`ZLIDEPНИНГ БАРЧА БЎҒИНЛАРИ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Буни O`zLiDeP Бухоро вилояти кенгаши ҳузуридаги "Сиёсий таълим маркази"нинг 2011 йилдаги фаолияти таҳлиллари ҳам кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам Марказ иш режасига кўра, "Бошланғич ташкилотлар фаолиятини яхшилаш ҳамда аҳоли билан ишлашда уларнинг роли ва таъсирини кучайтириш", "O`zLiDeP кадрлар захираси — партия фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили" мавзуидаги туркум семинарларда Концепция ғояларини тарғиб этиш ва тушунтириш ишларига асосий эътибор қаратилди.

7 ►►

Балиқчилик

## БАКРА КЎПАЯДИ

**Хоразм Маъмун академияси олимлари яна бир лойиҳага қўл урдилар. Академия раиси, биология фанлари доктори Р.Эшжонов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган бакра балиқларини кўпайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Москва ҳайвонот боғи ҳамда Россия балиқчилик илмий текшириш институти давлат унитар корхонаси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Унга асосан, Россия томони вакиллари балиқни кўпайтириш учун махсус сунъий сув ҳавзаси ва унинг ускуналарини келтириб беришди. Сув ҳавзаси академиянинг қишки боғига ўрнатилди. Ҳозирги кунда бакра балиқлари катта илмий ходим Зокиржон Ражабов назорати остида парваришланмоқда.**

Бизнинг интервью

ЗАФАР РЎЗИЕВ:

# «Аграр соҳадаги ислоҳотлар самарасига масъулмиз»

2011 ЙИЛНИНГ ИЮЛЬ ОЙИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИШЛАР ҲАҚИДА ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЭДИ. ХЎШ, ЎТГАН ЯРИМ ЙИЛ МОБАЙНИДА ҚЎМИТА ҚАРОРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ВАЗИРЛИК ТИЗИМИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ? АНА ШУНДАЙ САВОЛЛАР БИЛАН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ З.РЎЗИЕВГА МУРОЖААТ ҚИЛДИК

— Энг аввало, ўтган даврда қўмита қарорида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича аграр соҳани модернизация қилиш, ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш масалаларида изчил тадбирлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, интенсив технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги паркини юқори унумли ва тежамкор техникалар билан янгилаш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб борилди, — дейди Зафар Шаропович. — Хусусан, соҳани глобал иқлим ўзгаришларига мослаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор ўстиришни таъминлаш мақсадида илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари олим ва мутахассислари томонидан 2012-2020 йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилди.

Ғаллачилик бўйича маҳаллий навлар устида олиб борилган кўп йиллик тажрибалар натижасида 2011 йилда юмшоқ буғдойнинг "Омад", "Бахмал-97", қаттиқ буғдойнинг "Садаф" сингари навлари давлат реестрига киритилди. Қаттиқ буғдой экиладиган майдонларни кўпайтириш учун "Жавоҳир" ва "Олмос" навлари истиқболли нав сифатида танлаб олинди. Бундан ташқари, қаттиқ буғдойнинг Сербиядан олиб келинган тезпишар "NS-DUR" ва "Дурко" навларини синаш ишлари бошлаб юборилди. Ғалладан бўшаган майдонларда маккажўхори, соя ва кунгабоқардан такрорий экин сифатида юқори ҳосил етиштириш бўйича ҳам бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

7 ►►


БУГУНГИ СОНДА:

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ТАДБИРЛАРИДА ҲАР ДОИМ ҲАМ КУТИЛГАН НАТИЖАГА ЭРИШИЛМОҚДА, ДЕБ БЎЛМАЙДИ. ЖУМЛАДАН, УЛАРНИНГ ЯКУНИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН АЙРИМ ҚЎМИТА ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ ЕТАРЛИЧА НАЗОРАТГА ОЛИНМАЯПТИ.

2►


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 7 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▲ 1947,93 | 1 АҚШ доллари | ▲ 1816,76 | 1 Хитой юани | ▲ 288,02 | 1 Туркия лираси | ▲ 1033,19 | 1 Япония иенаси | ▲ 236,83 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ 2866,12 | 1 Миср фунти | ▲ 301,29 | 1 Малайзия ринггити | ▲ 603,57 | 1 Швейцария франки | ▼ 1971,74 | 1 Россия рубли | ▲ 60,08 |
| 1 Дания кронаси | ▼ 319,96 | 1 Исландия кронаси | ▼ 14,73 | 1 Польша злотийси | ▲ 568,57 | 1 ЕВРО | ▲ 2392,72 | 1 Украина гривнаси | ▲ 227,39 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 494,64 | 1 Канада доллари | ▲ 1827,17 | 1 СДР | ▲ 2817,72 | 1 Жанубий Корея вони | ▲ 16,22 | | |

«XXI ASR»
2012 йил 9 февраль,
пайшанба,
06 (430)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz



Парламент эшитувлари якунлари бўйича соҳани тартибга солувчи барча қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилди. Тармоқларни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгиланиб, қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

# Парламент ислоҳотларнинг етакчи кучига айланиши керак

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА 2011 ЙИЛ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»

Аввало, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2011 йилдаги фаолияти Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган қонунчилик ташаббуслари ижросини таъминлашга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжат эълон қилинганидан кейин унда белгилаб берилган устувор вазифаларни, қонунчилик ташаббусларини ҳаётимизга жорий этиш бўйича қуйи палатада олиб борилган ишлар яна бир бор Концепциянинг узоқни кўзлаб, чуқур билим ва амалий тажрибага таянган ҳолда яратилганини исботлади. Бу, айниқса, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, парламент назорати, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларининг мониторингини юритиш каби асосий фаолият йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

Шу ўринда Юртбошимизнинг 2010 йил 27 январдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор вазифамиздир» номли маърузасида билдирилган танқидий фикрлар асосида Қонунчилик палатасининг махсус дастури қабул қилинганини таъкидлаш жоиз. Бу қуйи палатанинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишларини тизимли ташкил этиш, давлат дастурларининг жойлардаги ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконини берди. Энг асосийси, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатли ва бугунги кун талаблари асосида тайёрланишига эришилди.

O`zLiDeP фракцияси аъзолари 2011 йилда Қонунчилик палатасининг 27 та мажлисида 38 та қонун қабул қилинганини, унинг 37 таси эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, кучга кирганини таъкидламоқдалар. Концепциянинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви йўналиши асосида 4 та, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш йўналишида 11 та, ахборот соҳасини такомиллаштириш ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида 2 та, демократик бозор ислоҳотларини янада ривожлантириш ва иқтисодиётни либераллаштириш йўналишидаги 14 та қонун шулар жумласидандир. Уларнинг пухта ва мукаммал бўлиши учун палата қўмиталари ҳузурида экспертлар гуруҳи фаолияти йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда. Ўтган йили мутахассислар, экспертлар ва амалиётчилар кўмагида ўтказилган 600 дан ортиқ муҳокамаларда палатага жами 7 мингдан зиёд таклифлар келиб тушгани қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш имконини берганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Қонунчилик палатасининг ҳисобот давридаги фаолияти таҳлили ислоҳотларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари тезкорлик билан ҳал этилаётганини, ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш жараёни доимий мониторинг қилиниб, энг асосийси, парламент фаолияти такомиллашаётганини кўрсатаяпти. Маълумки, қонун ижодкорлиги фаолияти жамиятни ислоҳ қилишга доир ҳуқуқий масалаларни тобора аниқ ҳал этишга қаратилиб, мамлакатимизда қонун устуворлиги тамойилининг мустаҳкамланишига замин яратмоқда. Бунда сиёсий партиялар ўз фракциялари орқали сайловолди дастурларини амалга оширишда парламент механизмларидан кенг фойдаланаяптилар. Аввалги йилларга нисбатан депутатлар корпусининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаоллиги ва билим даражасининг анча ошгани ҳам шундан далолат бермоқда. Буни 2011 йилда депутатларнинг қонунчилик ташаббуси асосида 11 та қонун лойиҳаси муҳокамаларга киритилгани ва уларнинг 3 таси қабул қилиниб, амалиётда жорий этилганида ҳам кўриш мумкин.

Айниқса, Концепция талаблари асосида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини оширишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтади. Буни Қонунчилик палатасида 2011 йилда парламент эшитуви ва назорат-таҳлил тадбирларининг кўпайгани, уларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинганида ҳам кўриш мумкин.

Парламент эшитуви, парламент сўрови каби назорат-таҳлил тадбирлари сонининг кескин ошгани Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг ва, албатта, жойларда ҳамда марказда амалга оширилаётган йирик давлат дастурлари ва лойиҳалар ижроси юзасидан тўлароқ маълумот олиш имконини ҳам берди. Хусусан ўтган йилда ана шу масалаларга қаратилган 7 та парламент эшитуви ўтказилиб, уларда ҳукумат аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимлари бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, аҳолининг истеъмол талабини ошириш, иш ўринларини ташкил этиш, коллеж ҳамда лицей битирувчиларини ишга жойлаштириш, дастурий таъминот ва соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш каби масалалари бўйича ҳисоб бердилар.

Хусусан, O`zLiDeP фракцияси аъзолари ташаббуси билан парламентда Бош вазир ҳисоботи эшитилиб, унда демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Парламент эшитуви натижалари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори қабул қилиниб, ҳукумат тизимидаги идора ва ташкилотлар томонидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

2011 йил палата қўмиталари фаолиятида ҳам ўсиш ва ўзгаришлар йили бўлганини кўрсатмоқда. Хусусан, қўмиталарда 170 дан ортиқ турли мавзудаги конференция ва давра суҳбатлари ҳамда 94 та назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди. Назорат-таҳлил ишлари режасига мувофиқ, 53 та қонун ҳужжати, конвенция ва миллий дастурларнинг ижро этилиши назорат тартибида ўрганиб чиқилди. Уларда асосан мамлакатимиз ҳаётининг социал-иқтисодий, маънавий-сиёсий соҳаларидаги ўзгаришларнинг назарий ва амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. Текширишлар натижалари эса қўмиталар йиғилишларида давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар мутасаддилари ҳамда мутахассислар иштирокида таҳлил қилиниб, қабул қилинган қарорлар ижросини текшириш тажрибаси йўлга қўйилди.

Шу ўринда сайловчиларда сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари аъзолари палатанинг ўтган бир йиллик фаолиятида қай даражада иштирок этди, улар электорат манфаати йўлида қандай масалаларни муҳокамаларга киритдилар, деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Ҳисобот даврида O`zLiDeP фракцияси аъзолари ҳам Президентимиз томонидан билдирилган танқидий хулосалар ва тавсиялардан тегишли хулоса чиқариб, ўз фаолиятини маърузада белгиланган вазифалар доирасида ташкил этдилар. Жумладан, депутатларнинг қонун ижодкорлиги ҳуқуқи асосида киритилган 11 қонун лойиҳасининг 9 тасида фракция аъзоларининг ташаббускорлиги яққол кўзга ташланди. Бундан ташқари, Концепциянинг демократик бозор ислоҳотларини янада ривожлантириш ва иқтисодиётни либераллаштириш йўналиши бўйича қабул қилинган 14 та қонун лойиҳасини тайёрлашда O`zLiDeP фракцияси аъзолари бошчилик қилаётган қўмиталар масъул бўлганини таъкидлаш мумкин. Ушбу қонунларнинг 5 таси айнан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури қоидаларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилгани эса партиянинг ғоя ва мақсадлари қонун ҳужжатларида изчил акс эттирилаётганини кўрсатади. Жумладан, «Рақобат тўғрисида», «Тадбиркорлик соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолати тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ҳамда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолати тўғрисида»ги қонун лойиҳаларига фракция аъзолари асосан партия электорати манфаати нуқтаи назаридан ёндашдилар. Ўтган йили ўтказилган парламент эшитувларининг 3 таси O`zLiDeP фракцияси ташаббуси билан ўтказилгани эса партиянинг палатадаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Шу ўринда, Қонунчилик палатаси депутатларининг аҳоли ўртасида тизимли иш олиб борганларига таҳлилчилар алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Чунки, бу жараён жойларда қонунлар ижроси ҳамда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан қатъий депутатлик назоратини ўрнатиш, сайловчилар манфаатини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш зарурати билан боғлиқдир. Жумладан, 2011 йил давомида депутатлар 3 марта сайловчилар билан учрашув ўтказиб, 771 та юзма-юз мулоқот уюштирдилар. Эътиборли жиҳати шундаки, учрашувларда жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши юзасидан аниқ мақсадга қаратилган масалалар муҳокама қилиниб, улар юзасидан сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитишга асосий эътибор қаратилди. Бу эса аксарият масалаларни ўша жойда ҳал этиш имконини берди. Шунингдек, учрашувлар чоғида сайловчилардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш сингари соҳаларда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасида 50 дан зиёд таклифлар тушгани эътиборга молиқдир.

Аммо шундай натижаларга қарамай, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари жараёнининг таҳлиллари ҳар доим ҳам кутилган натижани бераётгани йўқ. Бу асосан сайловчилар мурожаатларини ўрганиш ва кўтарилган масалаларни ҳал этиш жараёнида кўпроқ кузатилмоқда. Айрим ҳолларда депутатлар у ёки бу масалани ўз зиммаларидан соқит қилиш мақсадида сайловчиларга «мурожаатингиз кўриб чиқиш учун тегишли идорага жўнатилди» мазмунида жавоб қайтаришдан нарига ўтмаяптилар. Бу ҳолат аксарият партиялардан сайланган депутатлар фаолиятида кўзга ташланаётганини сайловчилар ҳам таъкидламоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, Қонунчилик палатасининг ўтган бир йиллик фаолияти парламентнинг назорат-таҳлил фаолиятини, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилувчи масалаларни кун тартибига олиб чиқишда янада фаоллик кўрсатишни талаб этмоқда. Чунки таҳлиллар Юртбошимиз маърузасида қайд этилган камчиликлар ҳали-ҳануз тўла бартараф этилмаганини кўрсатаяпти. Бу, айниқса, парламентнинг қонун ижодкорлиги жараёнида кузатилмоқда.

Тўғри, ҳисобот даврида қабул қилинган 38 та қонуннинг аксарияти яхлит бир масалага йўналтирилган янги қонунлардан иборат. Лекин, уларнинг кўпчилиги ҳали ҳам бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан қуйи палата муҳокамасига киритилмоқда. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан ўтказилган назорат-таҳлил тадбирларида ҳар доим ҳам кутилган натижага эришилмоқда, деб бўлмайди. Жумладан, ана шу тадбирларнинг якуни бўйича қабул қилинган айрим қўмита қарорларининг бажарилиши етарли назоратга олинмаяпти. Натижада шу вақтга қадар амалдаги қонунларнинг жойлардаги ижроси бўйича ўтказилган тадбирларда ҳам ҳаёт талабларидан келиб чиқиб қонун нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида деярли таклифлар киритилмай қолмоқда. Бу эса жойларда мавжуд муаммоларнинг ечилмасдан қолишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари парламентдан либерал ислоҳотлар тарғиботчисига айланиши лозимлигини талаб этмоқда. Мазкур жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият кўрсатаётган партия фракцияларининг фаоллиги эса бирламчи аҳамиятга эга эканини ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Ёшлар қаноти

# Истиқлол солномаси — ёшлар нигоҳида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

— Асарни мутолаа қилиб, Юртбошимизнинг яккаю ягона тўғри йўлни топа олгани, халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун кечаю кундуз тинимсиз машаққатли фаолият олиб борганига яна бир бор амин бўласиз, — деди O`zLiDeP Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Б.Очилов — Шунинг учун ҳам сиёсий-иқтисодий, тарихий-маънавий тафаккур ва таҳлил усулларини ўзаро уйғунликда мужассам этган бу асарни бугунги ва келгуси авлодларнинг истиқлол тарихимизни ҳар томонлама ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратишида бебаҳо манба, дейишга тўла асос бор. Бу эса партиямизнинг ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган ишларини янада жонлантиришни талаб этади.

— Ушбу асар орқали биз истиқлолнинг қанчалик буюк неъмат эканини янада чуқурроқ англагандек бўламиз, — деди университетнинг чақириққача ҳарбий тарбия факультети биринчи босқич талабаси Сиёвуш Қўчқоров. — Унда яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичлари, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ғоят оғир ва таҳликали бир вазиятда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг халқимизни чуқур инқироздан олиб чиқиши, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаши, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилишгача бўлган тинимсиз курашлар тарихий далиллар асосида ёритиб берилган. Бу эса биз ёшлар зиммасига ана шу буюк неъматни асраш масъулиятини юклаш билан бирга, мустақилликни янада мустаҳкамлашда бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни ҳам талаб этади. Зеро, бугунги кунда ёш авлодга қаратилган юксак эътибор ва яратиб берилган шарт-шароитлар иқтидоримиз ва салоҳиятимизни юзага чиқариш учун кенг имкониятлар беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, университетнинг сиёсатшунос олим ва мутахассислари иштирок этган конференцияда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»ни ҳам ушбу асарда баён этилган ғояларнинг мантиқий давоми сифатида ўрганиш зарурлиги таъкидланиб, бу борадаги таклифлар ўртага ташланди.

Муносабат

# Қўмита журналистлар «имтиҳон»идан ўтди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»



Маълумки, ушбу қонуннинг амалиётга жорий этилиши сиёсий модернизация жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш, юридик ва жисмоний шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив хизматлар кўрсатиш, умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари, хусусан, Интернет тармоғининг миллий сегментини янада ривожлантириш орқали ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқини тўла рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган йили қўмитада тайёрланган ва қабул қилинган яна бир ҳуқуқий ҳужжат — «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун бўлиб, ушбу қонун аҳолига замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш, фойдаланувчиларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини қаноатлантириш, тарихий-маданий меросни сақлаш, ахборот-кутубхона муассасалари ва фондларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш тамойилларини ҳам белгилаб беради.

Шу ўринда қўмитада ахборот соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи 20 дан зиёд қонунлар, 50 га яқин қонун ҳужжатлари ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этилганини тилга олиш мумкин. Бу тадқиқотда миллий қонунчилигимиз билан бир қаторда Австрия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония каби давлатларнинг соҳага оид қонунлари ҳам атрофлича ўрганиб чиқилди.

Ўтган йилда қўмитада парламент назоратига оид ваколатларни амалга оширишга ҳам катта эътибор қаратилди. Ҳукумат аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг, бошқа ижро этувчи тузилмаларнинг раҳбарлари ахборот соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, шахснинг бу борадаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, замонавий технологиялар, дастурий маҳсулотлар индустриясини янада ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ва ихтисослаштирилган коллеж ҳамда лицей битирувчиларини ишга жойлаштиришга оид энг муҳим масалалар юзасидан ҳисобот бердилар.

Жумладан, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзбекистонда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Матбуот ва ахборот агентлигининг «Нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳақида»ги ахборотлари тингланди.

Парламент эшитувлари якунлари бўйича соҳани тартибга солувчи барча қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилди. Тармоқларни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгиланиб, қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди. Бундай амалиёт депутатларга ахборот соҳасидаги муаммоларга чуқурроқ кириб бориш ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ислоҳотлар жараёнидаги масъулиятини ошириш имконини ҳам берди.

Амалдаги қонунларнинг жойлардаги ижроси бўйича ўтган йили қўмита томонидан 5 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилганига депутатлар алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида «Телекоммуникациялар тўғрисида», Бухоро ва Навоий вилоятларида «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», Андижон ва Сирдарё вилоятларида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисида», Хоразм вилоятида эса «Радиочастота спектри тўғрисида»ги қонунларнинг ижроси атрофлича ўрганилди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилиниб, улар ижроси қатъий назоратга олинди. Жумладан, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонун ижросини ўрганиш натижасига кўра, ёшларнинг касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, Интернетдан фойдаланувчи ўқувчи-ёшларни маънавиятимизга ёт бўлган ахборотлардан муҳофаза этиш, уларнинг қизиқишларига мувофиқ ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, "Электрон таълим" миллий тармоғини яратиш борасидаги фаолиятни жадаллаштириш масалалари қўмита қарорида ўз аксини топди.

Қўмитанинг назорат-таҳлил фаолияти якунларини умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, депутатлар ахборот соҳасини ривожлантиришда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишга алоҳида эътибор қаратдилар. Маҳаллий кенгаш депутатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ОАВ вакиллари, мутахассис ва экспертларни назорат-таҳлил фаолиятига жалб этишга доир ишлар ҳам жадаллаштирилди.

Матбуот анжуманида қўмитанинг 2012 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида ҳам журналистларга батафсил маълумот берилди. Хусусан, Концепцияда таклиф этилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида» ва «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини маромига етказиш бўйича фаол иш олиб бориш, ахборот соҳасига оид бир қатор қонунлар ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунлар ижроси механизмини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

«Имтиҳон»га таклиф этилган журналистлар қўмита мутасаддиларига кўплаб саволлар билан мурожаат қилдилар. Жумладан, «XXI asr» газетаси мухбирининг депутатларнинг қонунчилик ташаббуслари ва жорий йилдаги парламент эшитувлари ҳақидаги саволига Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоев қуйидагича жавоб берди:

— Бу йилги иш режамизда юқорида тилга олинган тўртта қонун лойиҳасидан ташқари, бевосита депутатларимизнинг ташаббуси билан яна иккита қонун лойиҳаси киритилган. Улардан бири — «Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базасини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасидир. Парламент эшитуви хусусида сўз юритсак, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг мамлакатимизда электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ахборотларини тинглаш белгилаб қўйилганини кўришимиз мумкин.



# Жамият ва бизнес

**1991 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида** хусусий секторнинг улуши атиги 1 фоизни ташкил этган бўлса, **2011 йилда** бу кўрсаткич 54 фоизни ташкил этди. Бу бармоқ билан санарли давлатлар тарихида эришилган натижадир.

**2000 йилда тижорат банклари** томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 200 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилган бўлса, 2011 йилда бу рақам 4 трлн. сўмдан ошгани таъкидланмоқда. Қишлоқ мулкдорларига эса 2000 йилда 150 млрд. сўм, ўтган йили эса 1 трлн. сўм миқдорида кредитлар берилган.

## Ижтимоий масъулият қандай мезон билан ўлчанади?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**М.АБДУРАҲМОНОВ**

Бу табиий ҳол эди, албатта. Чунки, жаҳон иқтисодиётида ўсиш суръати ва ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши, ишсизлик муаммосининг энг долзарб масалага айлангани хусусий секторга турли преференциялар бериш тизимини такомиллаштириш баробарида бу қатлам имкониятларидан янада самарали фойдаланиш лозим, деган қатъий талабни кун тартибига қўйди.

Бу масалага Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки давлариданоқ алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Зеро, ўтган йилларда давлат бош ислоҳотчи ва иқтисодий эркинликлар кафолатчиси сифатида хусусий секторнинг барқарор ривожланишига кенг йўл очиб, барча куч ва имкониятларни унинг мустаҳкам оёққа туриб олишига сафарбар этди. Агар яқин тарихимизга мурожаат қилсак, 1991 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида хусусий секторнинг улуши атиги бир фоизни ташкил этганини кўрамиз. 2011 йилда эса бу кўрсаткич 54 фоизни ташкил этди. Бу бармоқ билан санарли давлатлар тарихида эришилган натижадир.

Таҳлилчилар 2000 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 200 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилган бўлса, 2011 йилда бу рақам 4 трлн. сўмдан ошганини таъкидламоқдалар. Қишлоқ мулкдорларига 2000 йилда 150 млрд. сўм, ўтган йили эса 1 трлн. сўм миқдорида кредитлар берилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган ниҳоятда муҳим вазифалар бизнес вакиллари зиммасига ҳам катта масъулият юклади.

Шу ўринда мамлакатимизда бизнесга сарфланаётган ҳар бир сўм нафақат моддий, балки ижтимоий дивидендга айланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бизнес субъектлари томонидан тўланаётган солиқлар таълим, соғлиқни сақлаш сингари бюджет ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ва нафақаларнинг маълум бир қисмини қоплашга йўналтирилмоқда.

Зеро, бизнес зиммасидаги масъулият айнан ана шундай кўрсаткичлар билан ўлчанади. Жумладан, рақобат майдонида ўз фаолияти ҳисобидан фойда келтираётган ҳар қандай тадбиркорлик тузилмасини ижтимоий масъулиятни ҳис этаётган бизнес субъектлари қаторига қўшиш мумкин. Чунки у ишчи-ходимларга маош, давлатга эса солиқлар тўламоқда. Иккинчи жиҳат бу — ана шу тадбиркорлик субъектининг қонун талабларига қай даражада амал қилиши билан белгиланади. Агар тадбиркорлик тузилмаси солиқларни ўз вақтида тўласа, қонунларга қатъий риоя қилса, демак у масъулиятни ҳис этмоқда. Тадбиркорлик тузилмасининг жамият олдидаги маънавий масъулиятини эса энг асосий мезонлар қаторига киритиш жоиз. Яъни, мулкдорнинг давлат томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар, йирик дастурлар ва лойиҳалар ижросини таъминлашдаги иштироки, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишга қўшаётган ҳиссаси ва албатта ўз фаолиятини мамлакат миллий манфаатларига бўйсундиришидир. Ёдингизда бўлса, Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларига тўхталиб, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён этишига кенг йўл очиб бериш зарурлигини таъкидлаган эдилар.

Гарчи бозор муносабатлари ўзини-ўзи бошқарадиган тизим бўлса-да, Ўзбекистонда бу жараён айрим мамлакатлардагидек ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Аксинча, давлат бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва уларнинг амалиётга татбиқ этилишида ташаббускорликни ўз зиммасига олди. Натижада иқтисодиётни эркинлаштиришга, хусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи 400 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Бундай эътибор айни пайтда бизнес вакилларини ўз фаолиятларига масъулият билан ёндашишга даъват этмоқда. Буни уларнинг жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этаётганларида ҳам кўриш мумкин.

Бугун мамлакатимизнинг қай бир ҳудудида бўлманг, ўнлаб, юзлаб иш ўринлари ташкил этаётган тадбиркорлар, қишлоқ мулкдорлари фаолиятига гувоҳ бўласиз. Кейинги йилларда ўрта қатлам вакилларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги иштироки ҳам кескин ошди. Қўшма корхоналар ташкил этиб, минг-минглаб фуқароларни муқим даромад манбаи билан таъминлаётган бундай юртдошларимиз ҳақиқатан ҳам давлат ва жамият олдидаги ниҳоятда катта масъулиятни теран ҳис этмоқдалар.

Шу ўринда Юртбошимизнинг: «Ўрта синф деганда, нафақат ўзининг, айни пайтда оиласи ва фарзандларининг тақдири ва келажагини шу замин билан узвий боғлаган, шу юртда бойлик топган ва шу юртни бойитиш мақсадида тер тўкиб меҳнат қилаётган инсонларни кўз олдимга келтираман», деган сўзлари бугунги кунда ҳам жуда катта аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Эътибор беринг: «Шу юртни бойитиш мақсадида тер тўкаётган инсонлар» иборасида айнан тадбиркорликнинг ижтимоий масъулияти масаласига урғу берилаяпти.



**2011 ЙИЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 1 МЛН.ДАН ЗИЁД ИШ ЎРНИНИНГ 64 ФОИЗИ АЙНАН ХУСУСИЙ СЕКТОР ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛГАН БЎЛСА-ДА, ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ЖОЙЛАРДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШДА БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАЛИ ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНАЯПТИЛАР, ДЕБ БЎЛМАЙДИ.**

Президентимизнинг 3 минг 800 дан ортиқ фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажара олмагани тўғрисидаги фикрлар эса жамоатчилик эътиборини яна бир бор ўрта қатламнинг жамият олдидаги масъулиятига қаратгандек бўлди. Бу айни пайтда қишлоқ мулкдорларининг ижтимоий масъулиятига берилган баҳо ҳам эди. Фермерлар томонидан 120 млрд. сўмликдан ортиқ ёки 160 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси кам етказиб берилгани, 1 минг 500 та фермер хўжалиги томонидан эса давлат захирасига ғалла сотиш бўйича 18 млрд. сўмлик ёки 62 минг тонна ҳажмдаги шартнома мажбурияти бажарилмаганини ҳақиқатан ҳам масъулият туйғуси билан боғлиқ масаладир. Агар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилганида, хўжаликда иш тўғри ташкил этилганида, энг асосийси ишониб топширилган ерга, фермерга ишонч билдирган ишчи-хизматчилар тақдирига масулият билан ёндашилганида бундай ҳолатлар юз бермаган бўларди. Тўғри, 2011 йилда об-ҳавонинг ноқулай келиши аксарият фермерлар учун қатор қийинчиликлар туғдирди. Аммо тупроқ унумдорлигини ошириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш ишларига масъулият билан ёндашилган минглаб хўжаликларда ижобий натижалар қўлга киритилганидан хулоса чиқармаслик мумкин эмас.

Зеро, бугун энг кам фоизли кредитлар айнан аграр секторга йўналтирилаяпти. Кимёвий ўғитлар, нефть маҳсулотлари сотиб олиш, лизинг компаниялари томонидан яратилган қулай шароитлар фермерларга ҳар қандай шароитда ҳам юқори натижаларга эришиш имконини бермоқда. Шу ўринда 2011 йилда солиқ юки 1991 йилга нисбатан 2 баробарга камайганини таҳлилчилар алоҳида таъкидлаётганлари ҳам бежиз эмас.

Аммо вазиятга холисона ёндашсак, глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари ҳануз ўз кучини йўқотмаган бир пайтда Ўзбекистонда давлат бирламчи эътиборни иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига, хусусий секторнинг эмин-эркин фаолият юритишига шарт-шароитлар яратишга қаратмоқда. Лекин ана шундай қулайликларга қарамай, орамизда ўз манфаатини давлат ва жамият манфаатидан устун қўяётган айрим тадбиркорлар борлигидан ҳам кўз юммаслигимиз керак.

Гарчи, 2011 йилда ташкил этилган 1 млн.дан зиёд иш ўрнининг 64 фоизи айнан ана шу сектор ҳиссасига тўғри келган бўлса-да, ёшларни иш билан таъминлаш, жойларда устоз-шогирд анъанасига қатъий амал қилишда бизнес вакиллари ҳали ўз имкониятларидан етарли даражада фойдаланаяптилар, деб бўлмайди.

Ваҳоланки, бу масала мамлакатда бизнес вакилларининг янги авлодини шакллантириш билан боғлиқ эканини назарда тутсак, айрим тадбиркорларнинг мамлакат келажаги йўлида эътиборсизликка йўл қўяётганларидан дарак беради.

2011 йилда коллеж ва лицейларни 516 мингдан зиёд йигит-қизлар битириши кутилаётгани эса хусусий секторнинг бу жараёндаги иштирокини янада кучайтириш лозимлигини англатади. Бу масала, айни пайтда давлат ташкилотлари билан бирга нодавлат ташкилотлар, айниқса, сиёсий партиялар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Бундан биринчи галда маҳаллий ҳокимликлар, сиёсий партияларнинг жойлардаги депутатлари, айниқса, фермер хўжаликлари уюшмаси, савдо-саноат палатаси вакиллари тегишли хулосалар чиқаришлари лозим бўлади.

Бизнес вакиллари зиммасидаги масъулият ҳақида сўз кетганда Савдо-саноат палатаси ва Фермер хўжаликлари уюшмаси бошқарувида, бошқача айтганда мазкур ташкилотларнинг стратегик ва тактик вазифаларини белгилаб олишда бизнес вакиллари фаол иштирок этишлари лозимлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Чунки, айни пайтда бир тизим ёки бир соҳа ўнлаб соҳа ва тизимлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Жойларда кучли жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилиши, изчил тарғибот ва ташвиқотни амалга ошириш, айниқса, сиёсий партияларнинг амалдаги қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан жойларда депутатлик назоратини йўлга қўйишлари кутилган натижаларга замин бўлиши керак.

Шу ўринда Президентимизнинг 2007 йилда айтилган: «Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сиёсий майдонда пайдо бўлишининг мақсади ҳам, энг аввало, мана шундай кучларни, мулкдорлар, яъни ҳаётда онгли яшайдиган инсонларни бирлаштириш ва бошқаришдан иборат... Уларни мустаҳкамлаш ва янги босқичга кўтариш партиянинг кундалик устувор вазифаларига айланиши керак», деган фикрлари ёдимизга тушади.

Албатта, бу жараёнда ислоҳотларнинг етакчи кучига айланаётган парламентнинг роли ниҳоятда бекиёс эканини таъкидлаш лозим. Чунки, 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили», деб эълон қилиниши жойларда ҳудудий дастурлар ижросини, амалдаги қонунларнинг бажарилиши юзасидан кучли назоратни йўлга қўйишни талаб этади. Бу эса жуда катта ваколатларга эга бўлган парламентнинг 2012 йилдаги бош вазифасига айланмоғи керак.

Аёллар қаноти

## Имкониятлардан унумли фойдаланайлик!

**2011 ЙИЛДА O`ZLIDEP ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ТОМОНИДАН 200 ГА ЯҚИН ТАДБИР ЎТКАЗИЛИБ, УЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI ASR»



Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавкеини ошириш бўлими мудири Дилноза Абдуллажонованинг таъкидлашича, «Аёллар қаноти» ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан жойларда 180 та янги иш ўрни яратилгани ҳам пойтахтда партия мавкеи амалий ишлар билан боғланаётганини кўрсатади.

Биргина «Тадбиркорлик тамойиллари — ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасидаги тадбирлардан сўнг сафимиздаги хотин-қизлар сони 300 нафарга ортди, — дейди Д.Абдуллажонова. — Энг муҳими, ҳаракатларимиз ва интилишларимиз бесамар кетмаяпти.

**— Айтинг-чи, «Мустаҳкам оила йили»да Тошкент шаҳар «Аёллар қаноти» ўз олдига қандай вазифалар қўйган?**

— 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилингани юртимиздаги ҳар бир хонадонда соғлом маънавий муҳит, обод ва фаровон турмуш тарзини шакллантириш билан боғлиқ эзгу ҳаракатларга янги куч бағишлайди, албатта. Қолаверса, бу аёллар манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, жумладан, O`zLiDeP Тошкент шаҳар «Аёллар қаноти» зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Зеро, хотин-қизларни фойдали меҳнатга кўпроқ жалб этиш, уларнинг сиёсий-иқтисодий билимларини ошириш, тадбиркорлик йўналишидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш дастурий вазифаларимиздандир.

2012 йилги фаолиятимизни «Аёллар қаноти» раҳбариятининг таклифи ва ташаббуси билан "Ишбилармон хотин-қизлар" клубини тузиш билан бошладик. Ҳозир ташкилий масалалар билан шуғулланаяпмиз. Бунда сафимиздаги изланувчан, ташаббускор опа-сингилларимиз кўмагига суянаяпмиз. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ташкил этилган "Ёш етакчи қизлар" клуби ишини ҳам қайта кўриб чиқмоқдамиз. Асосий эътибор ҳар доимгидек аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавкеини мустаҳкамлашга қаратилади.

**— Йил якунидаги таҳлиллардан сўнг бўлим фаолияти хусусида нималар, дея оласиз?**

— Ўтган йилги фаолиятимизни таҳлил этиб, бир нарсага ишонч ҳосил қилдик. Энг катта камчилигимиз, тарғибот тадбирларини ташкиллаштиришда аудитория вақти, салоҳияти ва имкониятини билан ҳисоблашмаганимиздир. Очиғи, 40-50 нафар иштирокчи хузурида қуруқ маърузабозликдан нарига ўтилмаган ҳоллар ҳам бўлди. Қолаверса, давра суҳбати, семинар, очиқ мулоқот ёки учрашувларнинг бир қолипда эканлиги ҳам иштирокчиларни қаноатлантирмаётганини англаб етдик. Бундай нуқсонларни бартараф этиш учун, аввало, туманлардаги етакчиларнинг масъулиятини ошириш, керак бўлса, уларнинг сиёсий билим ва кўникмаларини такомиллаштириш зарур, деб ўйлайман. Бугунги кунда партиямизнинг дастурий ғояларини омма онгига тўла етказа оладиган тажрибали, профессионал кадрларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Тўғри, орамизда сиёсий етук, фаол хотин-қизларимиз кўпчиликни ташкил этади. Бироқ улар орасида уй-рўзғор юмушлари билан овора бўлиб қолаётганлари ҳам йўқ эмас. Жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари, маҳаллалардаги маслаҳатчи аёллар, ҳаёт мактабини ўтаган онахонларимиз айни масалага жиддийроқ эътибор қаратишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, йил якунидаги ҳисобот-сайлов конференцияларида Миробод, Ҳамза, Яккасарой ва Учтепа туманларида аёллар масаласи бўйича раис ўринбосарларини қайта сайладик. Яқин орада ушбу туманлар ҳудудида сиёсий фаолиятимиз янада жонланишига умид қилаяпмиз.

**— Суҳбатимиз бошида «Тадбиркорлик тамойиллари — ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси ҳақида гапирдингиз. Маълумотларга қараганда, пойтахтлик лойиҳа ғолиблари ҳанузгача имтиёзли кредит маблағларини олишмабди. Бунинг сабаблари нимада?**

— Биласизми, лойиҳа эълон қилингач, унда иштирок этиш истаги билан туман партия кенгашларига 5000 дан зиёд хотин-қизлар мурожаат этишди. Энг муносиб, деб топилган 5 та бизнес-режа Марказий банкнинг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификати билан тақдирланди. Бу қувонарли ҳол, албатта. Бироқ айрим ғолиблар ҳақиқатан ҳам сертификатда кўрсатилган маблағни олишганича йўқ. Бунга уларда гаров таъминоти йўқлиги сабаб бўлмоқда. Ҳужжатлардаги айрим камчиликлар ҳам аҳволни қийинлаштирмоқда. Бу эса лойиҳа устида ҳали кўп ишлашимиз кераклиги кўрсатмоқда. Юртбошимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида қўйилган талаблардан келиб чиқиб, жорий йилда лойиҳага айрим ўзгартиришлар киритилади. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

Янгиликлар

### КРЕДИТЛАР ҲАЖМИ 15 МЛРД. 864 МЛН. СЎМГА ЕТДИ

Муборак туманида ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тижорат банклари томонидан 15 млрд. 864 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Мазкур кредитларнинг 19,9 фоизи саноат, 20,4 фоизи қишлоқ хўжалиги, 14,7 фоизи қурилиш, 6,2 фоизи маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

### ТАДБИРКОР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИ ҚУРМОҚДА

Нишон туманидаги "XX аср" хусусий фирмаси жамоаси туман марказида 150 ўринга мўлжалланган болалар мусиқа ва санъат мактабини бунёд этишга киришди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қурилаётган бу объектнинг қиймати 1 млрд. 537,1 млн. сўмга тенг. Ушбу маблағ эвазига 2 қаватли бинони капитал реконструкция қилиш ҳамда унинг ёнида янги концерт зали бунёд этиш режалаштирилган.

**Мусурмон РЎЗИЕВ.**

«XXI ASR»
2012 йил 9 февраль,
пайшанба,
06 (430)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz





# Тадбиркор манфаати бирламчи бўлиб қолаверади

## ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ РАИСИ АЛИШЕР ШАЙХОВ «XXI АСР» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ



**МАҲАЛЛИЙ КОРХОНАЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИДАГИ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ПАЛАТАМИЗ ОЛДИДА ТУРГАН ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАНДИР. ЎТГАН ЙИЛИ УШБУ МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАДБИРЛАР НАТИЖАСИДА 108,1 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДАГИ 91 ТА КОРХОНА МАҲСУЛОТИ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНИШИГА ЭРИШИЛДИ.**

**— Алишер Эркинович, айни пайтда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида улкан ютуқ ва натижалар йили бўлганини нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этмоқдалар. Мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилаётган ташкилот раҳбари сифатида 2011 йилда эришилган энг муҳим натижалар сифатида сиз қандай кўрсаткичларни алоҳида қайд этган бўлардингиз?**

— Ҳақиқатан ҳам, 2011 йил Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим даври, таъбир жоиз бўлса, янги босқичи бошланган йил бўлди. Айнан 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида салмоқли натижаларга эришилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жараёнда Савдо-саноат палатаси ҳам фаол иштирок этганидан мамнунман. Хабарингиз бор, иқтисодиётни янада либераллаштириш ва эркин бозор иқтисодиёти йўлида жадал олға силжиш, қулай бизнес муҳитини яратиш ва бизнесни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга кўмаклашиш мақсадида 2011 йилда 102 та хорижий делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи уюштирилди.

Ана шу ташрифлар чоғида 52 та кооперацион биржа (шунингдек, алоҳида компаниялар ўртасида бизнес музокаралар) ўтказилди. Уларда АҚШ, Сингапур, Ҳиндистон, Германия, Польша, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Вьетнам, Испания, Япония, Чехия, Норвегия ва Франция каби мамлакатларнинг бизнес доиралари билан музокара ва фикр алмашинувлар ташкил этилиб, уларда икки томонлама савдо ва инвестицион ҳамкорлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Палата мутахассислари томонидан қўшма корхоналар ташкил этишга қаратилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида хорижий капитал иштирокидаги 44 та корхонанинг юзага келишига амалий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 17 та қўшма ва 27 та хорижий корхоналар, шунингдек, 204 та маҳаллий корхонага 14,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги мини-технология излаш ва харид қилишда ёрдам берилди.

Шу ўринда палата «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси доирасида 12 минг 800 нафар тадбиркорга махсус дастурлар асосида соҳа сир-асрорларини ўзлаштиришга бағишланган ўқувлар ташкил этганини ҳам таъкидлаш мумкин. Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Германия – Ўзбекистон («Инвент») Дастурини амалга ошириш доирасида эса 61 нафар тадбиркор тажриба орттириш учун бир ой муддатга Германияга юборилди.

Палата ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан норматив-ҳуқуқий актларни тушунтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу йўналишда 247 та семинар ўтказилди. Уларда 22 мингдан зиёд тадбиркорлар иштирок этдилар. Бундан ташқари 76 та конференция, 79 та давра суҳбати ташкил этдик. Хусусий секторга кўрсатилаётган ахборот ва маслаҳат бериш хизматлар сифатини ошириш мақсадида эса «Ўзбекистон Бизнес Форуми» дастури ҳамкорлигида 14 та ҳудуддаги Ахборот маслаҳат марказлари негизида бизнесга ёрдам бериш марказлари ташкил этдик.

**— Палатанинг чет эллардаги тадбиркорларнинг ижтимоий уюшмалари билан ҳамкорлиги ёки тўғридан-тўғри савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатиш борасидаги ишларини қониқарли, дея оласизми?**

— Маълумки, маҳаллий корхоналарнинг мамлакат экспорт фаолиятидаги иштирокини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш палата олдида турган энг муҳим вазифалардандир. Ўтган йили ушбу мақсадга йўналтирилган тадбирлар натижасида 108,1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 91 та корхонанинг маҳсулотларини экспорт қилишга эришилди.

Палата кўмагида эса кўргазмалар ташкил этишга оид 81 та тадбир ўтказилди. Уларда 5806 нафар маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар, жами 203 мингдан ортиқ киши иштирок этди. ССПнинг ҳудудий бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Наманган вилоятларида ҳудудий саноат кўргазмаси ва кооперацион биржалари ўтказилди. Шунингдек, 129 нафар тадбиркоримизнинг чет эллардаги 19 та кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишини таъминлаб бердик. Албатта, бу кўрсаткичлар билан қониқиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам 2012 йилда бу йўналишдаги фаолиятимизни кучайтириш учун махсус чора-тадбирлар белгилаб олдик.

**— Палата 2011 йилда назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича қандай ишлар олиб борди?**

— Давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги Қонуни талаблари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишлар мунтазам равишда тартибга солинаётгани юртдошларимизга яхши маълум. Жумладан, бу борада стратегик ҳамкоримиз бўлган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги бош битим доирасидаги ишларимиз ҳам реал натижалар бераётганини таъкидлаш жоиз. Шу ўринда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш республика Кенгашининг назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларида йил давомида бўлиб ўтадиган текширувлар режа-жадвалига тушган корхоналардан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаганларининг 2011 йилги текширишлар режа-жадвалидан чиқариб ташланганини ҳам соҳани янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлганини таъкидлаш лозим.

Масалан, ўтган йилнинг ўзидагина текширишлар режа-жадвалига киритилган 5096 та тадбиркорлик субъектидан 576 таси мазкур фармонда белгиланган талаблар асосида текширувлар рўйхатидан чиқарилди: Комплекс текширишларнинг 81 тасида ёки 1,6 фоизида солиқ ва бошқа назорат органларининг иштирок этмаслиги белгилаб қўйилди.

Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектлари мурожаатлари ва фаолиятини текширишни мониторинг қилиш маркази ҳам ушбу йўналишда муайян ишларни олиб бормоқда.

Хусусан, ҳудудий бошқармаларимизда марказнинг масъул вакиллари бўлиб, улар жойларда ўтказилаётган текширувларда тадбиркорлик субъектлари мурожаати ёки белгиланган режа асосида палатамиз аъзолари манфаатини ҳимоя қилмоқдалар.

Масалан, 2011 йил давомида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишларнинг қонунийлиги юзасидан 716 та мониторинг амалга оширилди.

Шу ўринда текширувлар масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганига қарамай, ҳануз бу борада нуқсонларга йўл қўйилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Масалан, палатамизнинг "Call-center" тезкор маслаҳат маркази вакили палата аъзоси, "UZTELMASH" МЧЖ директори Б.Салямов мурожаатига асосан Тошкент шаҳар солиқ инспекцияси томонидан ўтказилаётган текширувда назорат органи ходимлари томонидан жамиятга нисбатан 24,3 млн. сўм миқдорида ноқонуний қўлланилган жариманинг бекор қилинишига эришди.

"FON" МЧЖда 2011 йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳар солиқ инспекцияси, Давлат алоқа инспекцияси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан режадан ташқари қисқа муддатли текширув ўтказилган. Савдо-саноат палатаси Мониторинг маркази, Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва унинг туман тузилмаси ходимлари аралашуви билан тадбиркор фойдасига назорат органлари ходимлари томонидан белгиланган 33 млн. сўм миқдоридаги ноқонуний жарима ҳам бекор қилинди.

Палата аъзоси ҳисобланган "SPARKLE VALUE" МЧЖ ходимининг жамият ҳисоб рақамидан божхона органининг инкасса топшириқномаси билан 11 млн. 378 минг 755 сўм маблағ ноқонуний тарзда ундириб олингани тўғрисида мурожаати ҳам ижобий ҳал этилди.

Имкониятдан фойдаланиб, тадбиркорларимиздан яна бир карра назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган текширувларнинг қонунийлигидан шубҳангиз бўлса ёки қонуний ҳуқуқ ва манфаатларингиз бузилса Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тадбиркорлик субъектлари мурожаатлари ва фаолиятини текширишни мониторинг қилиш марказига ёки Тезкор ҳуқуқий маслаҳат хизмати "Call Center"га мурожаат қилишларини сўрардим.

**— «Мустаҳкам оила йили»да палата олдида турган энг муҳим вазифалар ва режалар нималардан иборат?**

— Президентимиз томонидан 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилиши бутун мамлакат ва жамиятимиз эътиборини оилалар мустаҳкамлигига, уларнинг фаровонлигини янада яхшилаш масалаларига қаратди, албатта. Бу борада O`zLiDeP билан биргаликда амалга оширилаётган «Мулкдор оила» лойиҳаси жойларда тадбиркорликни жадал ривожлантиришга, минг-минглаб оилаларга тадбиркорларнинг янги авлодини шакллантиришга хизмат қилишга қаратилганини ҳам таъкидлаш мумкин. Шахсан мен бу жараёнда оилавий бизнесни ривожлантириш учун максимал қулай муҳит яратиш, тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олишга қаратилган механизмни яратишда фаол иштирок этиш зиммамиздаги асосий вазифалардан, деб биламан. Шу жумладан, тадбиркорлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш, кредит ва хом ашё ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий механизмлари ҳамда шарт-шароитларини юзага келтиришга самарали ҳисса қўшиш барча бўғинлардаги вакилларимизнинг бирламчи вазифасига айланади. Хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда тадбиркорлар учун ўқувлар ташкил этиш, улар малакасини ошириш каби устувор вазифалар ҳам 2012 йилдаги фаолиятимизнинг асосини ташкил этади.

*Суҳбатдош:*
***Ориф ЎЛМАСОВ.***

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

# *Мангу илҳом манбаи*

## ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 571 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «БАҚО ГУЛИ» ДЕБ НОМЛАНГАН БАДИИЙ КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

**Назокат УСМОНОВА,**
ЎзА мухбири



Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда адабиётшунос олимлар, санъатшунослар, мусаввирлар, фотоижодкорлар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ рассоми Ж.Миртожиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларни миллий истиқлол ғоясига садоқат, Ватанга муҳаббат, буюк аждодларимизнинг боқий меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада равнақ топтириш, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб voяга етказишда, улар қалбида эзгу ғояларни қарор топтиришда улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг боқий мероси алоҳида аҳамият касб этади.

Буюк шоир бутун ҳаёти давомида санъат аҳли, олим ва ижодкорларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган. Асарлари инсонпарварлик, фидойилик, бағрикенглик, меҳр-оқибат сингари эзгу ғояларга йўғрилган шоирнинг ижоди мусиқа, мусаввирлик, хаттотлик сингари санъат йўналишлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

– Алишер Навоийнинг уммон янглиғ мероси шоир, бастакорлар, хонандалар билан бирга, мўйқалам соҳиблари, ҳайкалтарошлар, миниатюрачи рассомлар учун ҳам битмас-туганмас илҳом манбаидир, – дейди мусаввир Темур Саъдуллаев. – Унда улуғланган покиза туйғулар асрлар оша ижодкорлар қалбини ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келмоқда. Халқимизнинг маънавияти, юксак салоҳияти, тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибаси акс этган ушбу мерос рассомларнинг кўплаб картиналари яратилишида муҳим омил бўлган.

Бадиий кўргазмада мамлакатимиз мусаввирлари ва ҳайкалтарошларининг Алишер Навоий асарлари асосида яратган ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

Рағбат

# Банк туфайли орзуим рўёбга чиқди

## КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН КЕНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛМОҚДА. БУ БОРАДА ЁШЛАРНИНГ САЛМОҒИ ОРТИБ БОРАЁТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИ ҲОЛ

**Жулдиз СРАШОВА,**
Нукус шаҳри

Мен ҳам мавжуд молиявий имкониятлардан фойдаланиб, ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Нукус маиший хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт коллежини тугатиб «Микрокредитбанк»ка бизнес лойиҳамни топширдим. Лойиҳа мувофаққиятли, деб топилгач, мустақил равишда фаолият бошладим. Имтиёзли кредитни қўлга киритиб, 4 та тикув машинаси харид қилдим ва 3 нафар тенгдошимни ҳам иш билан таъминладим. Тикилаётган болалар кийимлари, турли пардалар юқори сифати ва бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (2011 йил 24 август)ги фармони асосида қўшимча имкониятларга эга бўлдик. Фармон ижросини таъминлаш юзасидан жойларда тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, фуқаролар ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари билан амалий учрашув ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари Нурлан Ерлепесов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департаменти директори ўринбосари Азамат Қосимов ва тижорат банклари раҳбарларининг маҳалламизга ташриф буюриши кўпчиликни мамнун этди. Учрашув якунида «Микрокредитбанк»ка тақдим этган бизнес-лойиҳам маъқул топилиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдим. Шу туфайли орзуим рўёбга чиқди.

Муҳими, бошлаган ишимдан кўнглим тўқ. Айни пайтда тинимсиз изланаяпман. Иш ўринларини кўпайтириш, қишлоқ қизларига касб сир-асрорларини ўргатиш, аҳоли фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш асосий мақсадимдир.

Электоратимиз

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ФОЙДАСИГА 845 МИЛЛИОН СЎМ УНДИРИЛДИ

**Аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқига доир тарғибот ишларининг йўлга қўйилиши натижасида фуқаролар томонидан монополиядан чиқариш органларига қилинган мурожаатлар сони кескин кўпайгани қайд этилмоқда.**

**Жумладан, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот хизматидан хабар қилинишича, 2011 йилда қўмита тизимидаги бошқармаларга истеъмолчилардан жами 6709 та, 2010 йилдагига (5017 та) нисбатан 33,7 фоиз кўп мурожаат тушган. Жумладан, 2183 та (2010 йилда 1524 та) шикоят қўмита манзилига ёзма ҳолда тақдим этилган бўлса, 4526 та мурожаат «ишонч телефонлари» орқали қабул қилинди.**

**Аҳамиятли томони шундаки, ушбу ариза ва шикоятларнинг 3568 тасида баён қилинган муаммолар истеъмолчилар фойдасига ҳал этилиб, сифатсиз хизматларни кўрсатган корхоналар томонидан зарар кўрганлар ҳисобига жами 845 миллион сўм (2010 йилда 424,6 млн. сўм) миқдоридаги маблағ ундириб берилди.**

«XXI ASR»
2012 йил 9 февраль,
пайшанба,
06 (430)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz

Мазкур инновация Тошкент вилоятида **3** минг, Қашқадарё вилоятида **2** минг, Навоий, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида **700** гектар майдонда синовдан ўтказилди. Ғўза касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашишда башорат хизматининг самарадорлиги оширилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бизнинг интервью

# «Аграр соҳадаги ислоҳотлар самарасига масъулмиз»



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

Пахта далаларини бегона ўтлардан тозалаш мақсадида вазирлик ташаббуси билан 2011 йилда илк бор ажриқ ва ғумайга қарши кураш самарадорлигини ошириш учун 8 минг гектар майдонда "Далзлак-экстра", "Фузиллат-супер" гербицидлари қўллаб кўрилди.

Ҳудудлар бўйича таҳлил қилсак, мазкур инновация Тошкент вилоятида 3 минг, Қашқадарё вилоятида 2 минг, Навоий, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 700 гектар майдонда синовдан ўтказилди. Ғўза касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашишда башорат хизматининг самарадорлиги оширилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида эса дала четлари ва экин майдонларидаги "ўчоқ"ларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда йўқотишга қаратилган тадбирлар ўтказилди.

Чигит ва бошқа моддий ресурсларни тежаш мақсадида тажриба-синов тариқасида Нарпай туманида 1,6 минг гектар, Ўрта Чирчиқ ва Оққўрғон туманларида 200, жами 2 минг гектар майдонда 6 қаторли сеялка билан чигит экилди ва шундай культиватор билан ишлов берилди. Ушбу технологияни қўллаш ҳисобига экиш ва қатор ораларига ишлов беришда гектарига 1,5 литрдан ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари иқтисод қилинганлиги эътиборга моликдир.

Бир гектар майдонда қўшимча 50-60 минг туп кўчат қолдирилиши ҳисобига ҳосилдорлик 3-5 центнер кўпайди, сув сарфи 10-15 фоиз камайди, минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги 10-15 фоиз ошиб, ҳар гектардан 31,5 минг сўм маблағ тежаб қолинди. Ўтказилган тажрибанинг ижобий натижаларидан келиб чиққан ҳолда, 2012 йилда 6 қаторли сеялка ва культиваторларни серияли ишлаб чиқариш ҳамда амалиётга кенг миқёсда жорий этиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

**— Президентимизнинг 2011 йил 15 февралдаги "2011 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида"ги қарори ижросига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам алоҳида эътибор қаратган эдилар. Бугун ана шу қарор ижроси қай даражада таъминланаяпти?**

— Юртбошимиз қарорига асосан жойларда эртапишар, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга, сувсизликка чидамли, толаси жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган навлар экишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Энг муҳими, селекция ва уруғчиликни ривожлантириш мақсадида "Султон", "Ибрат", "Дўстлик-2", "АН-16", "Бешқаҳрамон", "Кўпайсин", "Гулбаҳор-2" ва "Андижон-37" каби 8 та истиқболли ғўза нави давлат реестрига киритилди.

Улардан "Султон" нави Андижон вилоятида, "Бешқаҳрамон" Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, "Ибрат" Хоразм вилоятида, "Дўстлик-2" Қорақалпоғистон Республикасида, "Кўпайсин" Жиззах вилоятида, "Гулбаҳор-2" эса Сирдарё вилоятида ҳамда "АН-16" нави Фарғона вилоятида ўзининг серҳосиллиги, эртапишарлиги, касаллик ва зараркунандаларга, сувсизликка чидамлилигини амалда намоён этди.

Бир сўз билан айтганда, вазирлик тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари томонидан 2012-2013 йиллар учун инновацион, 2012-2014 йиллар учун амалий ва 2012-2016 йиллар учун фундаментал лойиҳаларни шакллантиришда айнан маҳаллий генофонддан самарали фойдаланиб, янги нав ҳамда дурагайлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**— Маълумки, озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлигини мева-сабзавотчилик ҳамда чорвачилик тараққиётисиз тасаввур қилиш қийин. Бу борадаги ишларни қониқарли, дейиш мумкинми?**

— Қишлоқ хўжалигида давлат сиёсатини юритадиган ваколатли орган сифатида вазирлик бу масалага алоҳида эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас. Мисол учун, 2011 йилдагина мамлакатимизда 14,6 минг гектарли янги боғлар, 5,3 минг гектарли токзорлар барпо этилди. Мазкур соҳага инновациялар жорий қилиниши туфайли замонавий технологиялар асосида 2,4 минг гектар майдонда юқори ҳосил берадиган пакана ва ярим пакана (интенсив) боғлар яратилди.

Шунингдек, 12,3 минг гектар боғ ва 5,4 минг гектар токзор қайта реконструкция қилинди.

Интенсив боғларни янада кўпайтириш учун Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига пакана (М-9) ва ярим пакана (ММ-106) пайвандтаклардан 400 минг донаси олиб келинди. Иситиш тармоқларисиз ишлайдиган 5 та кичик ҳажмдаги иссиқхона ташкил этилиб, пакана пайвандтакда ўсувчи олма, нок, шафтоли, ўрик, лимон кўчатлари экилди. Ҳозирги кунда 1500 дона тувакда пакана пайвандтакка уланган мевали кўчатлар парваришланмоқда.

Аҳолини сифатли сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида охирги уч йилда умумий майдони 1116 гектардан иборат 2043 та иссиқхона барпо этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Жорий йилда яна 9471 та иссиқхона қуриш режалаштирилган.

Наслли молларни кўпайтириш мақсадида 2011 йили хориждан юқори маҳсулдор 5323 бош қорамол олиб келинган эди. Ҳозирда улар 23286 бошга етказилди. Қорамоллардан 41 минг бошдан ортиқ наслли бузоқ олинди. Наслчилик хўжаликлари сони эса 2010 йилдаги 360 тадан 414 тага кўпайди.

**— Фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар O`zLiDeP электорати бўлган қишлоқ мулкдорларини қизиқтириши табиий, албатта. Бу борада вазирлик томонидан қандай ишлар олиб борилмоқда?**

— Мамлакатимизда фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштиришда ҳар бир субъект кесимида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга оид шартномаларнинг ижроси, уларнинг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қошида ташкил этилган комиссиялар томонидан чуқур таҳлил қилинди. Фермер хўжаликлари давлат мулки бўлган ер майдонларини тегишли шартнома асосида узоқ муддатга ижарага олиб, унда кўзда тутилган бир қатор мажбуриятлар, жумладан, тайёрловчилар билан тузиладиган контрактация шартномалари бўйича давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштириш ва топшириш, ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, унинг юқори ҳосилдорлигини таъминлаш учун зарур чораларни кўриш билан боғлиқ мажбуриятлар диққат марказимизда туради.

Бугунги кунда республикада 66 минг 134 та фермер хўжалиги бўлиб, улар 5 млн. 295 минг гектар (ўртача 80 гектар) ер майдонида фаолият юритмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодий самарасиз 14580 та фермер хўжалиги тугатилди. Таҳлилларга кўра, 2011 йил 1 январь ҳолатига республика фермер хўжаликларида 1 млн. 338 920 киши доимий ишлаган бўлса, бугунги кунда 1 млн. 360 636 киши фаолият юритмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, янги технологияларни амалиётга жорий этиш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида соҳада банд бўлган ортиқча иш кучларини бошқа тармоқларга жалб қилиш имкониятлари ҳам кенгаймоқда. Аграр тармоқда сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш туфайли 2011 йилнинг ўзида қишлоқ ҳудудларида 40 мингдан зиёд қўшимча ишчи ўринлари ташкил этилди. Булар, шубҳасиз, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётий самараларидир.

**— Зафар Шаропович, келинг, энди ечимини кутаётган муаммолар ва долзарб вазифалар ҳақида фикрлашсак.**

— Дарҳақиқат, эришилган натижалар билан бирга соҳада долзарб вазифалар ҳамда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси қарорида ҳам соҳада кўзга ташланаётган муаммоли масалаларга алоҳида эътибор қаратилган эди.

Хусусан, бугунги кунда чорвачилик, ғаллачилик ва картошкачиликда илм-фан ютуқларидан, илғор тажрибалардан фойдаланиб, ишга янгича ёндашиш, самарали ва замонавий агротехнологияларни амалиётга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги тизимида фойдаланилаётган техникаларнинг ярмидан кўпроғи маънан эскирганлигини таъкидлаш мумкин. Шу сабабдан экинларни экиш ва парваришлаш, ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш билан боғлиқ агротехник тадбирларни оптимал муддатларда ўтказишда муайян муаммолар юзага келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизация қилиш ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишни тақозо этаётир.

Шу ўринда, тармоқда селекция ва уруғчилик, чорва маҳсулдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ тадбирлар ҳам айрим ҳудудларда талаб даражасида эмаслигини таъкидлаш мумкин. Бинобарин, наслчилик ишларини тубдан яхшилаш, зооветеринария хизматининг самарадорлигини ошириш, жойларда мустаҳкам озуқа базасини яратиш бу борадаги долзарб вазифаларимиздандир.

Ерлар унумдорлигини янада ошириш учун белгиланган агротехник тадбирларни вақтида бажаришда фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, мутахассислар, ишчи ва хизматчиларнинг омилкорлиги, ҳаётий тажрибаси масаласига алоҳида эътибор қаратиш долзарб вазифаларимиздандир. Зеро, масъулият теран ҳис этилган жойда юқори натижаларга эришилиши шубҳасиздир. Бинобарин, фермер ва деҳқон хўжаликларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, ихтисослик йўналишлари бўйича уларнинг билим ва малакасини ошириш, бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам турмуш фаровонлиги, эл-юрт дастурхонининг тўкинлиги асосан қишлоқ хўжалиги тизимида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарасига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз зарур.

*Озод РАЖАБОВ суҳбатлашди.*

Сўранг, жавоб берамиз!

## ФЕРМЕРЛИК — БУ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

**Президентимизнинг «2012 йил — Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» номли маърузасида ўтган йили 3800 фермер хўжалиги пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажара олмагани тилга олинди. Бундан барча фермерлар жиддий хулосалар чиқариши керак, албатта. Айтингчи, амалдаги йилда шундай ҳолат такрорланмаслиги учун фермерлар нималарга эътибор қаратиши лозим?**

О.ХОЛМУРОДОВ, фермер.

**Бу саволга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ориф Шарипов жавоб беради:**

— Мавжуд вазият энг аввало, фермер хўжаликларига ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича белгиланган тартибга, амалдаги қонунчилик нормаларига қатъий риоя этиш вазифасини ўртага қўяётганини таъкидлаш лозим. Маълумки, 2008-2009 йиллар мобайнида иқтисодий ночор, истиқболсиз фермер хўжаликларининг ер участкалари тегишли малака ва зарур техник воситаларга эга бўлган мулкдорларга бириктириб берилди.

Уч йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳамма жойда ҳам кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмади. Чунки айрим фермерларнинг ер майдонлари йириклаштирилдию, ички имкониятлар етарлича ҳисобга олинмади. Катта майдонга эга бўлиш мумкин, лекин ундан мақсадли фойдаланиш бошқа масала. Бунинг учун ернинг табиий хусусиятларини пухта ўрганиш, зарур ҳолларда тупроқ таркибини, унинг механик хоссаларини, ирригация тизимининг ўзига хос жиҳатларини, иқтисодий харажатларни чуқур таҳлил қилиш лозим. Бир сўз билан айтганда, ердан самарали фойдаланиш учун илмий ёндашув талаб этилади. Яъни, олим ва юқори малакали мутахассислар билан яқин ҳамкорлик қилиш кооперацион муносабатларни такомиллаштириш, бизнес-режаларни тузишда фермер хўжаликлари уюшмаси қошидаги ахборот-консальтинг марказлари ёрдамига таяниш, қолаверса, фермерларнинг шахсий масъулияти, билим ва малакасини ошириш лозим бўлади.

Иложи бўлса, фаол ва изланувчан фермерлар зиммасига ёрдамга муҳтож фермерларни оталиққа олиш вазифасини юклаш лозим. Бугунги жараён масалага айнан шундай ёндашувни талаб этмоқда. Зеро, фермерлик ҳаракатини изчил ва барқарор ривожлантириш аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим гаровидир.

Эълон

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонаси томонидан Мирзо Улуғбек тумани Яланғоч даҳаси, 27«а» уй, 1-хонадонда яшовчи Ҳусанов Ҳусниддин Усмоновичга берилган уйни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси ва режаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сиёсий таълим



## Пешку ва Қоровулбозорда сиёсий ўқувларга юзаки қаралмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Воҳид НИЁЗОВ,**
O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» раҳбари

Маълумки, сиёсий модернизация жараёнларида сиёсий етук кадрлар захирасини шакллантириш, электорат вакилларига партиянинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш сиёсий таълим марказининг бирламчи вазифасига айланди.

Айни пайтда вилоят, шаҳар ва туман кенгашларидаги «Аёллар қаноти» «Ёшлар қаноти» билан ҳамкорликда ўтказаётган ўқув курсларида ҳам тадбиркорликни, хусусан касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ўртага ташланиб, энг яхши тажрибаларни вилоят миқёсида оммалаштиришга эътибор кучайтирилмоқда.

Шу ўринда тадбиркорликни янада ривожлантириш, хусусий сектор учун қўшимча имконият ва преференциялар бериш, қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига, айниқса ёшларга тушунтириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлашни истардим. Юртбошимизнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони доирасида ўтказилган ўқув машғулотларида тингловчилар кўпроқ имтиёзлар юзасидан савоЛлар бераётганларини инобатга олиб, уларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлардаги депутатларни таклиф этаяпмиз.

Айни кунларда эса Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асари фаолиятимизнинг дастуриламалига айланди, десак муболаға бўлмайди. Бу борада ташкил этилаётган ўқув курсларида Ватанимиз тарихининг суронли йилларига гувоҳ бўлган олим ва мутахссисларнинг фикр-мулоҳазалари эшитилмоқда. Натижада мустақилликка эришишнинг машаққатли йўли, уни мустаҳкамлаш ва янги тараққиёт модели асосида ривожлантириш жараёнлари ҳақида тингловчилар тўлиқ маълумотга эга бўлмоқдалар. Айни пайтда ушбу асарни чуқур ўқиб-ўрганиш барча шаҳар ва туманларда изчил давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, ўқув-семинарларда мамлакатимизда солиқ тизимини либераллаштириш асослари, тадбиркор ҳуқуқи устуворлигига амал қилиш механизми, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банклар билан муносабатида очиқлик масалаларига ҳам кенг ўрин ажратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, банк, молия, солиқ идоралари масъул ходимларининг семинар йиғилишларида фаол иштирок этаётганлари ҳамиша қизғин баҳс-мунозараларга, очиқ мулоқотларга сабаб бўляпти. Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг 160 нафар депутатлари, 3000 нафардан ортиқ партия фаоллари иштирок этган сиёсий ўқувларда бу ҳолат алоҳида кўзга ташланди.

Тўғри, семинар машғулотларни ўтказишда бир қатор муаммоли масалаларга ҳам дуч келаяпмиз. Бу айрим туман кенгашларининг сиёсий таълим тизими фаолиятига юзаки муносабатда бўлиши билан боғлиқдир. Масалан, Қоровулбозор ва Пешку сингари туманлардаги сафдошларимизнинг ўқув-семинарлардаги иштирокини талаб даражасида, деб бўлмайди. Энг ачинарлиси, ўқувлар давомида барча бошланғич ташкилотларни қамраб ололмаяпмиз. Бундан биринчи галда туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари жиддий хулосалар чиқаришлари керак. Акс ҳолда марказ саъй-ҳаракатлари бесамар кетаверади.

Шундан келиб чиқиб жорий йилда Юртбошимизнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасини чуқур ўрганишга бағишланган ўқув-амалий машғулотлар сонини кўпайтириб, уларга барча даражадаги партия бўғинларини жалб этаяпмиз. 2012 йилнинг мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши эса зиммамиздаги масъулиятни ўн чандон ошириб, фаолиятимизни аниқ йўналишлар асосида белгилашни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида партияларнинг сиёсий таълим марказлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилмоқда. Шундай экан, ана шу оддий ҳақиқатни теран англаб, фаолиятимизда либерал-демократик ғояларнинг устувор жиҳатларини акс эттиришга ҳаракат қилишимиз керак.

Тадбиркорлик

## ҚУРИЛИШБОП МОЛЛАР САВДОСИГА МАРҲАМАТ

**11 йилдирки Самарқанд шаҳрида «Тоҳир бобо Н.Т.И» қурилиш савдо мажмуаси аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Ҳозирда 55 та савдо дўкони мавжуд бўлган мазкур мажмуада тайёр маҳсулотлар савдоси билан бирга қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.**

**— Фаолиятимизни эндигина бошлаган йилларда темир панжара ва дарвозалар тайёрлар эдик, -дейди «Тоҳир бобо Н.Т.И» МЧЖ раиси Неъмат Исматов. — Бугунга келиб, цехларимиз сони 7 тага етди. Маҳсулотлар тури ўндан ошди. Турли ҳажмдаги пластмасса трубалар, том устига қоплама ўрнида ишлатишга мўлжалланган профнастил, эшик ва ромлар ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими қурилиш ашёларини буюртмачилар талаби асосида ишлаб чиқара бошладик. Ҳар бир цехда ойига ўртача 15-20 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда. Жорий йил бошида бўш турган 500 квадрат майдонда яна 8 та цех ва 20 та дўкон қуришни режага киритдик. Янги цехларда гипсокартон, темир сетка, рубероид, профил каби қурилишбоп маҳсулотлар тайёрлаш кўзда тутилган.**

Муҳаббат РАВШАНОВА

«XXI ASR»
2012 йил 9 февраль,
пайшанба,
06 (430)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz

Бугунги кунда Андижон вилоятида ҳам хорижий шериклар билан ҳамкорликда иш олиб бораётган **90** дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда.

«Asia Alliance bank»

Реклама ўрнида

# Бу сиз учун қулай ва манфаатлидир

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ЧУҚУРЛАШИБ БОРАЁТГАН БУГУНГИ КУНДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТЎҒРИ ЙЎЛГА ҚЎЙМАЙ ТУРИБ, КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ЮРТИМИЗДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, БАНКЛАРНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ҲАР ҚАЧОНГИДАН КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

«Asia Alliance bank» очиқ акциядорлик-тижорат банки мисолида оладиган бўлсак, хизмат сифати ва маданияти ошиб, омонатчилар сафи йил сайин кенгаймоқда. Бунга тинимсиз изланиш, ўзаро ишончли ва манфаатли ҳамкорлик туфайли эришилмоқда, десак асло хато қилмаймиз. Энг муҳими, банк жамоаси мижозларга барча турдаги замонавий хизматларни кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Улар сирасига, жумладан, пул маблағларини сақлаш, ҳисоб-касса, миллий ва хорижий валютада кредит ажратиш, лизинг амалиёти билан боғлиқ хизматлар киради.

Маълумки, Президентимиз таклифи билан 2012 йил мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили», деб эълон қилинди. Шу муносабат билан «Asia Alliance bank» ОАТБ ҳам 1 февралдан бошлаб аҳоли учун «Оила фаровонлиги» ва «Qulay omonat», деб номланган янги омонат турларини таклиф этди.

«Оила фаровонлиги» омонати бир йил муддатга очилади. Унинг кам суммаси чекланмаган. Омонат бўйича йилига 24 фоиз қўшимча ҳақ тўланади. Белгиланган муддат давомида омонатчи ўз омонатига исталган вақтда тегишли бадалларни киритиши мумкин. Фоизлар ҳар чоракда ва омонат муддати тугаши билан капиталлаштирилмаган ҳолда тўланади.

«Qulay omonat» — асосан коммунал хизматлар ҳақини қоплаш учун мўлжалланган. Омонат бўйича йиллик даромад — 23 фоиз. Пул маблағлари банкка бир йил муддатга жойлаштирилади. Бу омонатчи учун жуда қулай. Яъни у ўз реквизитлари ва коммунал хизмат тўловлари учун тегишли суммани кўрсатган ҳолда банкка ариза билан мурожаат қилса кифоя. Фоизлар ҳар ойда ҳисобланади ва мижознинг коммунал тўловлари учун мунтазам равишда ўтказиб борилади.

Юқорида санаб ўтилган омонатлар бўш пул маблағларини ишончли сақлаш воситаси ҳисобланиб, аҳоли учун ҳар жиҳатдан қулай ва манфаатлидир. Бунда, биринчидан, мижозларнинг қимматли вақти тежалса, иккинчидан, омонатларнинг кафолати таъминланади. «Asia Alliance bank» ОАТБ бундан ташқари болалар ва ёшларга мўлжалланган яна бир неча хил омонатларни таклиф этадики, ушбу хизматлардан исталган пайтда фойдаланиш мумкин.

«Болажон» омонати — бу бир ёшдан катта болаларга очиладиган ва улар 16 ёшга тўлгунча амал қиладиган чет эл валютасида (АҚШ доллари ва ЕВРО)ги жамғарма омонатидир. Фоизлар йилига 6 фоиз ҳисобланади ва белгиланган муддат ниҳоясига етиши билан омонат қўйилган чет эл валютасида тўлаб борилади.

> **«QULAY OMONAT» — АСОСАН КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР ҲАҚИНИ ҚОПЛАШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН. ОМОНАТ БЎЙИЧА ЙИЛЛИК ДАРОМАД — 23 ФОИЗ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ БАНККА БИР ЙИЛ МУДДАТГА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ.**

Яъни, банкка пул маблағларини жойлаштирган омонатчи фарзандининг келажагидан ўзини хотиржам ҳис этиши мумкин. Бу — бир. Иккинчидан, омонат муддати тугагач, ундан бошқа ҳаётий эҳтиёжларни қоплаш учун ҳам бемалол фойдаланса бўлади.

«Альянс ёшлик» омонати 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларга очиладиган ва мижоз тегишли ёшга тўлгунча амал қиладиган жамғарма омонати ҳисобланади. Йиллик даромад — 18 фоиз. Омонат бўйича ҳисобланадиган фоизлар белгиланган муддат тугаши билан капиталлаштирмаган ҳолда тўланади.

«Бахтли авлод» омонати ҳам ота-оналар учун ҳар жиҳатдан қулай ва манфаатлидир. Омонатчи ўз пул маблағларини банкка 3 ой муддатга йиллик 24 фоиз қўшимча тўлов шарти билан жойлаштиради. Омонатчи 3 ойлик муддат учун белгиланган фоизларни аванс тариқасида олиш имкониятига эгадир. Яъни, омонат расмийлаштирилган кунданоқ мижоз омонат бўйича фоизларни олиш имкониятига эга бўлади.

«Ипотека» омонати дастлабки бадални шакллантириш мақсадида очилган янги жамғарма омонати бўлиб, 2011 йилнинг 1 декабридан амал қилиб келмоқда. Омонатчи ўз пул маблағларини уч йил муддатга, йиллик 14 фоиз тўлаш шарти билан жойлаштиради. Омонат бўйича фоизлар ойлик ҳисобланади ва мижоз исталган пайтда уни капитализация қилиш ҳуқуқига эгадир.

Эслатиб ўтайлик: мамлакатимизда 2002 йил 5 апрелдан бери «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун амал қилиб келмоқда. Унга мувофиқ, пул маблағларининг кафолати «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан таъминланади.

## Назорат

### ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЯДИ

**Мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналарнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги уларнинг барқарор ривожланиши ҳамда юртимиз иқтисодиёти ва экспорт салоҳиятининг юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

**Бугунги кунда Андижон вилоятида ҳам хорижий шериклар билан ҳамкорликда иш олиб бораётган 90 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда.**

**Қўрғонтепа туманидаги "Самошертекс" Ўзбекистон-Россия-Америка қўшма корхонаси ҳам хорижий инвестиция ҳисобига ташкил этилган. Калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона маҳсулоти ички ва ташқи бозорда харидоргир.**

**Замонавий технология асосида тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотга бўлган юқори талаб қўшма корхонанинг экспорт салоҳиятини йилдан-йилга оширмоқда. Жумладан, ўтган йили 250,1 минг АҚШ доллари миқдоридаги 68 тонна калава ип хорижга экспорт қилинди.**

**— Яқинда замонавий лабораторияни ишга туширдик, — дейди мазкур қўшма корхона директори Эркинжон Норалиев. — Натижада маҳсулотнинг сифати, чидамлилик даражаси компьютер ёрдамида назорат қилинадиган бўлди. Бу маҳсулотимиз сифатини янада ошириш имконини беради.**

**Айни кунда корхонада 750 нафар малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислар ташкил этади.**

**Жорий йилда корхонада ишлаб чиқариш қуввати ва экспорт ҳажмини ошириш ҳисобига яна юзта янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.**

*Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ,*
*ЎзА мухбири*

«Туронбанк»:

Реклама ўрнида

# Сармоялар — иқтисодиётнинг устувор соҳаларига



Кейинги йилларда банклар иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, халқ турмуш даражасининг юксалишида чинакам молиявий таянчга айланмоқда. Республикамиздаги бир неча тижорат банкларига халқаро рейтинг компаниялари томонидан юқори рейтинг баҳоси берилганлиги ҳам бежиз эмас. Акциядорлик-тижорат «Туронбанк» фаолиятини олиб кўрайлик. Бугунги кунда банк ўзининг 17 та филиали, 30 та минибанки, 156 та бўлинмаси, 55 та жамғарма кассаси, 46 та валюта айирбошлаш ва 56 та халқаро пул ўтказиш шохобчалари орқали аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Асосий эътибор тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришга қаратиляпти. Бу ўз навбатида ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳолининг реал даромадларини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўтган йили кичик бизнес субъектларига 175 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилганлиги туфайли минглаб янги иш ўринлари яратилди. Банкнинг молиявий кўмаги билан Зангиота туманида автомобиль ойналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги «Ухуд» фермер хўжалигида «Туронбанк» маблағлари эвазига замонавий технологияга асосланган сут ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилди. Айни кунда корхонада 20 киши меҳнат қилмоқда.

Иқтисодиётимиз ривожига камарбаста бўлаётган тадбиркор аёлларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларга молиявий кўмак ҳамда имтиёзлар бериш ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (2004 йил 25 май)ни алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Фармонда ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқилиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Уларга ўз вақтида кредит маблағлари ажратилаётганлиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, хизмат кўрсатиш маъданияти яхшиланаётир.

Молия муассасасида «Тадбиркорлар бурчаги» ташкил этилган бўлиб, «Ишонч телефонлари» ишлаб турибди. Бу эса мижозларни мамнун этмоқда. Дейлик, ҳисоб рақамларини очиш, кредит олиш, кўрсатилган хизматлар, сотилган маҳсулотлардан келиб тушган маблағларни ўз муддатида ҳисоб рақамларига ўтказишда бирон-бир қийинчилик сезилмайди.

Кези келганда ўзининг қулайлиги ва камхаржлиги билан ажралиб турадиган интернет-банкинг хизмати ҳақида ҳам қисқача тўхталиш жоиз, деб ўйлаймиз. Унинг афзалликлари шундаки, мижоз дунёнинг исталган нуқтасидан туриб, ўз ҳисоб рақамидаги маълумотларга эга бўлиши, шунингдек, солиқ, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириши мумкин. Интернет-банкинг хизматига бўлган талаб ошиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Банк томонидан VISA Electron, VISA Classic, VISA Business, VISA Gold каби халқаро пластик карточкалар ҳам муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг талабгорлари тобора кўпайиб бормоқда.

Умуман, «Туронбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари, шунингдек, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратиляпти. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ҳаётий масалаларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

*Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.*

Тадбир

Реклама ўрнида

# Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори

ФЕВРАЛЬ ОЙИНИНГ ИЛК ҲАФТАСИДА МАРКАЗИЙ БАНК ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА «ТАДБИРКОРЛИК – МУСТАҲКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИДИР» МАВЗУИДА БИЗНЕС-ФОРУМ ЎТКАЗИЛДИ

Унда қайд этилганидек, Тошкент шаҳрида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

2011 йил давомида пойтахтимизда тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 1 трлн. 467,6 млрд. сўмни ташкил этганлиги ҳам эътиборга моликдир. Натижада шаҳар миқёсида 28 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Бунда, албатта, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун узоқ муддатли кредит сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тижорат банклари томонидан изчиллик билан молиявий қўллаб-қувватланади. Бунда асосий эътибор оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларга кўмак бериш, оила таянчи саналган опа-сингилларимизнинг бизнес-лойиҳаларини ўз вақтида молиялаштиришга қаратилади.

> **2011 ЙИЛ ДАВОМИДА ПОЙТАХТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА АЖРАТИЛГАН КРЕДИТЛАР МИҚДОРИ 1 ТРЛН. 467,6 МЛРД. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТГАНЛИГИ ҲАМ ЭЪТИБОРГА МОЛИКДИР. НАТИЖАДА ШАҲАР МИҚЁСИДА 28 МИНГДАН ЗИЁД ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛДИ.**




Форум давомида тижорат банклари томонидан еттита номинация бўйича ғолиб, деб топилган 80 та лойиҳа эгаларига 227,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиш ҳақидаги сертификатлар топширилди. Шунингдек, «Энг яхши тадбиркор — 2011» номинацияси бўйича ўтказилган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир якунида жорий йилда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли даромадларини ошириш ва оилалар фаровонлигини таъминлаш бўйича халқаро молия ташкилотлари, мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Сўранг, жавоб берамиз!

## АГАР ТУНДА БЕЗОВТА ҚИЛИШСА...

**«Баъзан тунги вақтларда ҳам айрим қўшнилар баланд овозда мусиқа эшитиб, дам олишга халақит берадилар. Уларни бир неча маротаба огоҳлантирганимизга қарамай бундай ҳолат давом этмоқда. Айтингчи, бу масалада бирон бир идорага мурожаат этишим мумкинми?»**

***Н.АҲМЕДОВА, Бекобод шаҳри.***

ИИВ ахборот хизматидан маълум қилинишича, ушбу ҳолатда қўшниларингизга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 192-моддасида кўрсатилган «Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш» ҳуқуқбузарлиги содир этилаётганини тушунтириб қўйиш керак. Мазкур ҳуқуқбузарлик такрорланмаслиги учун эса «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан милиция таянч пункти профилактика инспекторига ёки ўзингиз яшаб турган ички ишлар идорасига мурожаат қилишингиз лозим.

*Ш.ХЎЖАЕВ тайёрлади.*

Иклим ўзгариши туфайли ҳар йили **315** мингдан зиёд инсон ҳаётдан кўз юммоқда. **2030** йилга бориб, бу кўрсаткич **500** мингга етиши мумкин. Бундан ташқари, иқлим ўзгаришлари сабабли ҳар йили **325** миллион кишининг соғлиғига путур етаяпти.



«XXI ASR»
2012 йил 9 февраль,
пайшанба,
06 (430)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz

# Синовли кунлар машаққати

**МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, ЕР ВА ЖАҲОН ОКЕАНИ АТМОСФЕРАСИДАГИ ЙИЛЛИК ЎРТАЧА ҲАРОРАТНИНГ ЎЗГАРИШИГА ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБАЛАРНИНГ ҲАВО БЎШЛИҒИГА ЙИЛИГА 22 МЛРД. ТОННАГА ЯҚИН ЗАРАРЛИ ЧИҚИНДИЛАРНИ ЧИҚАРИШИ САБАБ БЎЛМОҚДА. ЭНГ АЧИНАРЛИСИ — ИНСОНИЯТ ТОМОНИДАН ҲАВОГА ЧИҚАРИЛАЁТГАН БАРЧА ЗАРАРЛИ ЧИҚИНДИЛАРНИНГ ЯРМИГА ЯҚИНИ АТМОСФЕРАДА ҚОЛИБ КЕТАЯПТИ**



**Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ**

Февраль ойининг дастлабки кунларидан бошлаб Европани саросимага солиб қўйган совуқ ҳаво туфайли қурбонлар сони кун сайин ўсишда давом этмоқда. Бугун нафақат Европа, ҳатто Африканинг айрим ўлкалари, хусусан, Ливия аҳолиси ҳам қор ва совуқ ҳаво туфайли азият чекаётир. Мутахассислар кун илишига бир-икки ҳафта қолганини бот-бот такрорласаларда, синовли кунлар машаққати ҳали бери чекинадиганга ўхшамаяпти.

Таҳлилчилар томонидан Европадаги мисли кўрилмаган совуққа Сибирь ҳаво босими билан машҳур об-ҳаво ҳодисаси сабаб бўлгани алоҳида таъкидланмоқда. Чунки, одатда ғарбда Италиягача, жанубда Малайзиягача етиб борадиган Сибирь циклони бу сафар жуда кенг ҳудудларни қамраб олди.

Эътибор беринг, биргина Украинада бир ҳафтанинг ўзида ҳаво ҳароратининг 30 градусгача тушиб кетгани 100 дан ортиқ инсон ҳаётига зомин бўлди. Мамлакат Фавқулодда вазиятлар вазирлиги уч мингдан ортиқ нуқтада уйсизларнинг исинишиш ва бепул овқатланиши учун махсус марказлар ташкил этди. Россияда эса январь ойининг ўзида 60 дан ортиқ фуқаро музлаш оқибатида вафот этган. Шарқий Европанинг яна бир мамлакати Польшада бир ҳафта мобайнида 30 киши ҳаётдан кўз юмди. Руминия, Чехия, Сербия, Босния, Австрия, Германия, хуллас, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Италия Венециясида эса минтақа учун ғайриоддий саналган аёз оқибатида каналлар музлаб қолди. Шаҳарнинг катта ёшли аҳолиси 80 йилдан бери бундай манзарага гувоҳ бўлмаганларини таъкидламоқдалар. Франция йўлларини эса қор қоплаган. Кўчаларда бир неча километрларга чўзилган тирбандлик пайдо бўлган. Полициянинг йўл транспорт ҳодисаларини рўйхатга олишга улгурмаётгани хабар қилинмоқда.

Грецияда жала қуйиб, дарёларнинг тошишига сабаб бўлди. Сайёрамиздаги энг иссиқ ўлкалардан ҳисобланган Ливиянинг Гарьян шаҳри кўчалари қор уюмлари чангалида қолганига алоҳида эътибор бериш мумкин. Хуллас, ўтган бир неча кун давомида қаттиқ совуқ ва қор бўронлари оқибатида 200 дан ортиқ киши қурбон бўлган хабар қилинмоқда.

> БИРГИНА УКРАИНАДА БИР ҲАФТАНИНГ ЎЗИДА ҲАВО ҲАРОРАТИНИНГ **30** ГРАДУСГАЧА ТУШИБ КЕТГАНИ **100** ДАН ОРТИҚ ИНСОН ҲАЁТИГА ЗОМИН БЎЛДИ. МАМЛАКАТ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ УЧ МИНГДАН ОРТИҚ НУҚТАДА УЙСИЗЛАРНИНГ ИСИНИШИ ВА БЕПУЛ ОВҚАТЛАНИШИ УЧУН МАХСУС МАРКАЗЛАР ТАШКИЛ ЭТДИ. РОССИЯДА ЭСА ЯНВАРЬ ОЙИНИНГ ЎЗИДА **60** НАФАРДАН ОРТИҚ ФУҚАРО МУЗЛАШ ОҚИБАТИДА ВАФОТ ЭТГАН.

Бу эса, тан олиш керак, экологик хавфсизликни таъминлаш, глобал иқлим исишининг олдини олиш масалалари инсоният олдида турган энг нозик, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласига айланганини кўрсатмоқда. Аксарият мутахассислар Ер шарининг экотизими емирилиш арафасида турганини эътироф этиб, агар зудлик билан етарли чоралар кўрилмаса, дунё аввал кузатилмаган кенг миқёсли табиий офатлар, қурғоқчилик ва сув тошқинлари, вайронкор довуллар, юқумли тропик касалликлар ва мислсиз миграция таҳдидларига дучор бўлиши мумкинлигини тез-тез такрорлай бошладилар. Бир сўз билан айтганда, асримизнинг энг чигал муаммоси — глобал иқлим ўзгаришлари инсониятнинг экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратишини тақозо этмоқда.

Табиий ва минерал хом-ашё захираларидан ваҳшийларча фойдаланиш, ўрмонларнинг ўйламай-нетмай кесилиши, табиатни муҳофаза қилувчи энг оддий тозалаш иншоотларига эга бўлмаган улкан саноат корхоналари бунёд этилиши натижасида чиқиндиларнинг ҳаво кенгликларига чиқарилиши асосий сув ҳавзалари ва ер майдонларини ифлослантириб бўлди ҳисоб. Қолаверса, экологияга зид бўлган йирик лойиҳаларни амалга ошириш бутун бошли аҳоли пунктларининг йўқ бўлиб кетиши, иқлим ва экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келаётир. Шунинг учун ҳам халқаро кузатувчилар кейинги йилларда мазкур муаммонинг янада кескинлашганини таъкидлай бошладилар.

Она сайёрамизда экологиянинг тобора издан чиқаётгани Ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатламининг емирилиши, иссиқ ўлкаларда қор бўронларининг, совуқ ўлкаларда эса иссиқ ҳавонинг юзага келиши каби омилларда ҳам намоён бўлаётир. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар сони ортиб бораяпти.

Шунинг учун ҳам соҳа мутахассислари, агар олди олинмаса, биринчи навбатда, Яқин Шарқ, Африка, Осиёнинг катта қисми, Жанубий Европа ва Австралиянинг глобал иқлим ўзгаришлари туфайли жиддий ижтимоий муаммолар гирдобида қолажагини таъкидламоқдалар.

Тан олиш керак: экологик хавфсизликни таъминлаш, кескин иқлим ўзгаришларининг олдини олиш масалалари инсоният олдида турган энг нозик, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласига айланди. Халқаро миқёсдаги йирик табиий офатларнинг юзага келаётгани, инсоний талофатларнинг ошиб бораётгани муаммонинг нақадар долзарблигини кўрсатмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Ер ва Жаҳон океани атмосферасидаги йиллик ўртача ҳароратнинг ўзгаришига ифлослантирувчи манбаларнинг ҳаво бўшлиғига йилига 22 млрд. тоннага яқин зарарли чиқиндиларни чиқариши сабаб бўлмоқда. Энг ачинарлиси — инсоният томонидан ҳавога чиқарилаётган барча зарарли чиқиндиларнинг ярмига яқини атмосферада қолиб кетаяпти.

Мана шундай шароитда олимлар иқлим ўзгаришларига бағишланган музокаралар жараёнида сиёсатчиларни инсоният учун ўта хатарли лаҳзаларда бир ҳовуч кимсаларнинг манфаатларига ён бермасликка чақирмоқдалар. Рақамларга эътибор берайлик: Ер шари аҳолисининг ярмидан кўпроғи (7 млрд.дан 4,3 млрд.и) чучук сув етишмайдиган ва қурғоқчилик ҳукм сураётган ҳудудларда яшамоқда. Биргина Австралияда табиий ва инсон омиллари оқибатида суғориладиган ерларнинг 50 фоизи экин экишга яроқсиз ҳолатга келган. Ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидлар энг юқори нормалардан ҳатто ўн баробар ортиқ миқдорда фойдаланилган. Сайёрамизнинг бошқа ҳудудларида вазият бундан-да абгор. Бундай кимёвий моддалар тупроқни, дарё, кўл, ер ости ва ичимлик сувларни ифлослантирмоқда. Бундан ташқари, янги ерлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмаяпти. Тупроқ таркибидаги намлик даражаси ҳам ортаяпти. Бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келмоқда. Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноат ва қурилиш материалларини сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг қўпол равишда бузилиши ҳам ернинг, атмосферанинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, сайёрамизда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 1,5 миллиард гектар ернинг ҳар йили 6-7 миллион гектари деградацияга учраб, муомаладан чиқарилаётгани ташвишланарли ҳолатдир.

Европа Иттифоқидаги мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, ривожланаётган давлатларда атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини сезиларли камайтириш учун 2020 йилга қадар бу давлатларга тахминан 150 млрд. АҚШ долларлик молиявий ёрдам зарур. Афсуски, молиявий қийинчиликлар боис ёрдам кўрсатиш масаласи ҳеч кимнинг ҳаёлига келаётгани йўқ.

Ана шундай ҳолатда ҳақли бир савол туғилади: хўш, дунё аҳолисининг иқлим ўзгариши юзасидан хавотирлари қай даражада асосли? Дунёдаги етакчи компаниялар томонидан ўтказилган сўровларга кўра, жаҳон бўйлаб иқлим ўзгариши борасидаги хавотирлар ҳамон ўсиб бормоқда. Респондентларнинг 64 фоизи иқлим ўзгаришларини ўта жиддий муаммо деб ҳисоблагани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Бу натижа 1998 йилда ўтказилган сўровларга қараганда 20 фоиз юқоридир. Бугунги кунда Осиё ва Африканинг кўплаб мамлакатлари қурғоқчиликдан азият чекаётгани, одатда ёз мавсумида мўътадил иқлим кузатиладиган шимолий нуқталар, хусусан, Арктика кенгликлари, Россия, Канада, Норвегия каби мамлакатларда ҳаво ҳароратининг исиши аҳолида хавотирларнинг кучайишига сабаб бўлаяпти.

Глобал гуманитар форум ҳисоботида айтилишича, иқлим ўзгариши туфайли ҳар йили 315 мингдан зиёд инсон ҳаётдан кўз юммоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 500 мингга етиши мумкин. Бундан ташқари, иқлим ўзгаришлари сабабли ҳар йили 325 миллион кишининг соғлиғига путур етаяпти.

Албатта, табиатнинг бугунги ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолгани йўқ. Бу аслида узоқ давом этадиган жараёндир. Шундай экан, тараққиётнинг ҳозирги босқичи ва келажаги ана шу муаммонинг қай даражада ҳал қилинишига боғлиқдир. Табиийки, халқаро ҳамжамият атроф-муҳит шароитларини яхшилашга қанчалик кам эътибор қаратгани сайин табиат ҳам инсондан шунчалик кўп ўч олмоқда. Дунёнинг бир бурчагида кузатилаётган қурғоқчилик, иккинчи қисмида рўй бераётган қор бўронлари, сув тошқинлари, яна бир минтақада содир бўлаётган ҳалокатли зилзила ва цунами бунинг яққол исботидир.

Олимлар томонидан ўтказилаётган тадқиқотлар натижаси Жаҳон океанининг тепа қисмида сув ҳарорати вақти-вақти билан ошиб, ҳаво бўшлиғининг юқори қатлами ва ҳарорати пасайиб бораётганини кўрсатаяпти.

Буюк Британия эса ҳаво ҳароратининг кескин совуб кетиши туфайли бутун дунё бўйлаб 1200 дан ортиқ авиарейсларни бекор қилди, ўн минглаб одамлар ўз манзилига етиб олиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Хуллас, экологик хавфсизлик ва глобал иқлим ўзгариши муаммоси дунёнинг ҳеч бир давлати ёки халқига бегона эмас. Бир жойда рўй берган табиий офат эртага бошқа давлатга етиб бормаслигига ҳам кафолат йўқ. Жаҳон океанларидаги ҳароратнинг ўзгариши ва ёзда Антарктида музликларининг эриши дунёнинг бошқа мамлакатларида акс-садо бераётганига бугун жаҳоннинг нариги бир чеккасида содир бўлаётган табиий офатлар орқали гувоҳ бўлиб турибмиз. Шундай экан, бирон-бир мамлакат ёки халқнинг она-табиатни асраб-авайлашдек савобли ишдан четда туришга ҳаққи йўқ.

## Воқеалар, далиллар, шарҳлар

### ИСТЕЪФОДАН МАҚСАД — БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ



**Руминия ҳукумати мамлакатда барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида истеъфога чиқмоқда. Бу ҳақда амалдаги Бош вазир Эмиль Бок маълум қилган.**

**Хабарларга қараганда, ҳукумат раҳбари ушбу қарорни истеъфога чиқиш илинжида эмас, балки мамлакат келажагини ўйлаб қабул қилган. Бок ўз ҳамкасбларини ҳамжиҳатликка чақириб, имкон қадар янги ҳукумат таркиби юзасидан қарор қабул қилиш лозимлигини сўраган.**

**Маълумки, январ ойида Руминияда Бок ҳукумати ва мамлакат президенти Траяна Бэсескуга қарши бир неча бор норозилик чиқишлари бўлиб ўтган, минглаб фуқаролар ҳукуматнинг мамлакатни инқироздан олиб чиқиш борасидаги қаттиқ иқтисодий чора-тадбирларига қарши чиққан эди. Хусусан, Бок бюджет ташкилотларида маошни 25 фоизга камайтириш ва савдо-сотиқ солиғини кўтариш ташаббуси билан чиққан эди. Агар мазкур қарор амалга ошса, ХВФ Руминияга молиявий ёрдам кўрсатиши белгиланган эди.**

**Эслатиб ўтамиз, Эмиль Бок Руминия Бош вазири лавозимини 2008 йил охиридан бери эгаллаб келаётган эди.**

### ХИТОЙ АВИАЦИЯСИ СОЛИҚ ТЎЛАМАЙДИ



**Хитой Халқ Республикасида мамлакат авиакомпанияларига Евроиттифоқ томонидан белгиланган ис газини ҳисобга олиш тўғрисидаги солиқни тўлаш тақиқлаб қўйилди.**

**Мамлакат фуқаро авиацияси маъмурияти мазкур солиқнинг Европадан ташқари мамлакатларда қўлланилишини халқаро ҳуқуқ нормаларига тўғри келмаслиги ҳамда бутунжаҳон авиаташувчилар бозорига салбий таъсир ўтказаётганини маълум қилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, Хитой авиакомпанияларининг мазкур солиқдан кўрган зарари шу кунгача 800 миллион юан (125 миллион АҚШ доллари) ни ташкил этмоқда.**

**Бундан аввал шу каби таъқиқни АҚШ киритган бўлиб, унда авиакомпаниялар солиқ билан боғлиқ можарони суд орқали ҳал қилишга уринган, бироқ 2011 йилнинг декабр ойида Европа суди солиқни қонуний, деб топган эди.**

**Эслатиб ўтамиз, авиакомпанияларга қўшимча солиқ белгилаш қарори бундан 15 йил аввал Япониянинг Киото шаҳрида имзоланган. Ушбу ҳужжат БМТнинг иқлим ўзгаришлари ҳақидаги ҳадли конвенциясига қўшимча ҳисобланади.**

### ЎН ИККИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНДИ

**Финляндиядаги президентлик сайловларида 63 ёшли консерватор Саули Ниинисте ғолибликни қўлга киритди. Сайловларнинг иккинчи турида Ниинисте 63 фоиз овоз тўплагани, унинг рақиби «Яшиллар иттифоқи» партияси номзоди — Пекку Хаависто эса сайловчиларнинг атиги 37 фоиз овозига эга бўлгани маълум қилинмоқда.**

**Саули Ниинисте бундан аввал молия вазири, парламент спикери ва адлия вазири лавозимларида фаолият олиб борган. ОАВда мамлакат тарихидаги 12-президентнинг инаугурация маросими 1 мартда бўлиб ўтиши айтилаяпти.**

### ЕЛИЗАВЕТА II «БРИЛЛИАНТ ЮБИЛЕЙ»ГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

**Буюк Британия қироличаси Елизавета II нинг тахтга ўтирганига 60 йил тўлди. Оммавий ахборот воситалари 1952 йил тахтга келган Британия ҳамдўстлигига кирувчи 15 та давлат қироличасининг «бриллиант юбилей»ига бағишланган расмий тантаналар ёзда ўтказилишини маълум қилди.**

**Таъкидланишича, бугунгача қиролича 21 минг 915 кунни тахтда ўтказган, 3,5 мингдан ортиқ парламент қарорларини имзолаган. Шунингдек, у 12 та бош вазир алмашишига гувоҳ бўлган. Айни пайтда журналистлар 400 мингдан зиёд турли-туман унвон ва мукофотларнинг соҳибаси 261 марта хорижий ташрифларни амалга оширгани ҳамда дунёнинг 116 та давлатида бўлганига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.**

**Акбар МУЗАФФАРОВ** тайёрлади.

«XXI ASR»
2012 йил 9 февраль,
пайшанба,
06 (430)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz

Олимпия сари

# Вазият ўзгарди. Аммо мақсад — ўша-ўша!

ЛОНДОН ОЛИМПИАДАСИНИНГ САРАЛАШ БОСҚИЧИ ДОИРАСИДАН ЎРИН ОЛГАН БАА-ИРОҚ УЧРАШУВИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН НАТИЖА КУТИЛМАГАНДА БЕКОР ҚИЛИНГАНИ САБАБЛИ АМИРЛИК ФУТБОЛЧИЛАР ТЎПЛАГАН ОЧКОЛАР ВА ТЎПЛАР НИСБАТИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИГА ЕТИБ ОЛДИЛАР

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»



Маълумки, 5 февраль куни «Жар» стадионининг «қорли майдони»да Австралия олимпия терма жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этган Вадим Абрамов шогирдлари Олимпия ўйинларининг финал босқичи иштирокчисига айланиш имкониятини яхшилаб, 4 та ўйиндан сўнг қўлга киритилган 8 очко билан «В» гуруҳида якка пешқадам бўлиб олгандилар. Бироқ куни кеча Халқаро Футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) 2011 йилнинг 27 ноябрь куни Ал-Айн шаҳрида БАА ва Ироқ олимпия терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда дисквалификация қилинган футболчи — Жассим Фейсал хизматидан фойдаланган ироқликларга нисбатан кескин чора кўрилгани ва ўша учрашув учун уларга 3:0 ҳисобдаги техник мағлубият ёзилганини маълум қилди. Оқибатда мазкур машмашагача 5 очкога эга бўлган араблар энди бу борада ҳамюртларимиз билан тенглашиб олдилар.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси бош мураббийи Вадим Абрамов бу борада ўз фикрларини билдирар экан, БАА олимпия терма жамоаси уч очкодан ташқари, ўз ҳисобига яна учта голни ҳам ёзиб олганидан безовта бўлаётганини яширмади.

— Тўғри, регламентга мувофиқ, бундай ҳолатда даъвоси қаноатлантирилган жамоага 3:0 ҳисобидаги техник ғалаба ёзилади. Аммо очколар тенг бўлган пайтда тўплар нисбати муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олсак, бу ҳолатда голларнинг қанчалик қийматга эга эканини англаш қийин эмас. Шундай экан, йўқ жойдан пайдо бўлган учта гол бизни ҳайрон қолдиргани табиий, — деди мураббий. — Аммо нима бўлганда ҳам, олдимизга қўйилган мақсад ўзгармаганини айтиб ўтмоқчиман. Ҳозирча йигитлар бу янгиликка қандай муносабат билдирганларидан бехабар бўлсам-да, ишончим комилки, улар мазкур ўзгаришларни юракка яқин олмайдилар. Жамоамиз илгаригидек Олимпиада йўлланмасини қўлга киритишга яқин турибди. Ўз навбатида ушбу орзумиз тез орада рўёбга чиқади, деб ўйлайман.

Умид қиламизки, Қатар пойтахтида ўтказиладиган Ироқ-Ўзбекистон учрашувида футболчиларимиз бундан аввалги ютуқлар тасодиф эмаслигини ҳамда содир бўлган воқеалар уларнинг кайфиятларига таъсир этмаганини кўрсатиб, ижобий натижага эришадилар. Борди-ю 5-турда БАА олимпия терма жамоаси 3-саралаш баҳсида ғалаба қозониш у ёқда турсин, рақиб дарвозасига тўп кирита олмаган австралияликлардан устун келсалар, 14 март куни Тошкентда Ўзбекистон ва БАА олимпия терма жамоалари ўртасида ўтказилган учрашув «ҳаёт-мамот» жангига айланиши аниқ.

Эслатиб ўтамиз, гуруҳларда иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар сўнгги лицензия учун даврали тизим бўйича ўтказиладиган мини турнирда ўзаро баҳслашиш имконига эга бўладилар.

**Энди «В» гуруҳидаги вазият қуйидаги кўринишга эга бўлди:**

| Жамоалар: | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. Ўзбекистон** | **4** | **2** | **2** | **0** | **4-0** | **8** |
| **2. БАА** | **4** | **2** | **2** | **0** | **4-0** | **8** |
| **3. Австралия** | **4** | **0** | **3** | **1** | **0-2** | **3** |
| **4. Ироқ** | **4** | **0** | **1** | **2** | **0-6** | **1** |

Тадбиркорлик

## «ЯШАМ ЭРКАПЛАН» ХОРИЖГА ЧИҚМОҚДА

**Самарқанд шаҳридаги «Яшам Эркаплан» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси маҳсулотлари хорижда ҳам харидоргир саналмоқда. Етти йилдан буён юқори сифатли гиламлар тайёрлаётган корхона 2012 йилда 193 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотни экспорт қилишга муваффақ бўлди.**

**— Илгари атиги иккита дастгоҳда ишлардик, — дейди корхона директори Аслиддин Салоҳиддинов. — Кейинги йилларда яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли фаолиятимиз кенгайди. Хусусан, вилоят ҳокимлигининг зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришга қаратилган махсус дастури асосида янги дастгоҳлар харид қилдик. Натижада аввалги 40 минг ўрнига кунига 125 минг квадрат метр маҳсулот тайёрлаяпмиз. Дастурга асосан 2015 йилгача яна 6 та янги ускуна келтиришни режалаштирганмиз. Бунинг учун қўшимча бино ҳам барпо этилди.**




Совуқни унчалик хушламайдиган юртдошларимиз енгил нафас олишлари мумкин. Зеро, маълумотларга кўра, 10-15 февраль кунлари мамлакатимизда аввалги ҳафтадагига нисбатан илиқроқ об-ҳаво кузатилади. Баъзи ҳудудларда ҳўл қор ва ёмғир ёғади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво булутланиб турса-да, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечаси 9-13 даража совуқ, кундузи 0-2 даража илиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларининг айрим туманларида 13 февраль куни қор ёғиши кутилмоқда. Қолган кунларда ҳаво очиқ бўлиб, термометр кўрсаткичлари кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 1-4 даража илиқни кўрсатади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бугун-эрта ёмғир аралаш қор ёғади. Ундан кейинги кунларда ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳаво ҳарорати кечаси 1-8 даража совуқ, кундузи 0-5 даражани ташкил этади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бугун ва душанба куни ёмғир ёғиши мумкин. Термометр кўрсаткичлари кечаси 5 даража совуқ-1 даража илиқ, кундузи эса 1-9 даража илиқни кўрсатади.

Фарғона водийсида бугун қор, 11-13 февраль кунлари эса ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 2-5 даража совуқ, кундузи эса 2-5 даража илиқ атрофида бўлади.

Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ҳафта бошида баъзи жойларга ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати кечаси 1-5 даража совуқ, кундузи 0-3 даражани ташкил қилади.

Республиканинг тоғли ҳудудларида бугундан бошлаб душанбага қадар қор ва ёмғир ёқиб, ҳарорат кечаси 3-10 даража совуқ, кундузи 0-2 илиқ бўлади.

Саноат

## «ЎЗКАРПЕТ» ЯНА БИР ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРДИ



**Гилам маҳсулотлари ва полипропилен синтетик толаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ўзкарпет» қўшма корхонасида яна бир янги лойиҳа амалга оширилди. Модернизация дастурини рўёбга чиқариш учун корхона «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг вилоят филиали томонидан ажратилган 2,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига Бельгиянинг «NV Michel Vande» компаниясидан бир нега замонавий дастгоҳларни харид қилди. Техник янгилаш самараси ўлароқ, бу ерда йилига 1,6 млн. квадрат метр гилам маҳсулотлари ва минг тоннадан ортиқ полипропилен толаси ишлаб чиқариш имкони яратилиб, яна 31 Бухоролик ёш иш билан таъминланди.**

*Асхор ИСТАМОВ.*

Транспорт

## ЭЛЛИКТА АВТОБУС СОТИБ ОЛИНАДИ

**Навоийдаги «Престиж-Миленум» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини 30 та автобус билан бошлаган эди. Бугунга келиб эса автобуслар сонини 2,5 баробарга оширган корхона ҳайдовчилари 42000 дан зиёд йўловчиларни ўз манзилларига бехатар етказмоқдалар.**

**— Фаолиятимизни янада кенгайтиришни мўлжаллаяпмиз, — дейди жамият ижрочи директори Ў.Ҳайитов.**

**— Яқин кунларда лизинг асосида яна 50 та автобус харид қилишни мўлжаллаяпмиз. Бу Навоий шаҳри, Навбаҳор ва Кармана туманлари аҳолисига хизмат кўрсатувчи янги йўналишлар очилишига имкон беради. Бундан ташқари 1,4 гектар майдонда диспетчер, тиббиёт, механик ҳамда дам олиш хоналаридан иборат бошқарув идорасини ҳам қуриб битказдик. Айни кунларда автотаъмирлаш, шунингдек, токарлик цехлари қурилиши давом этмоқда. Қурилиш якунланиб, янги автобуслар келтирилгач, корхонамизда яна 150 га яқин ёшлар доимий иш ўрнига эга бўладилар.**

*Мансур АСЛОНОВ.*

Реклама







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баходир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тохир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 3846. Тираж: 19 446
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
ISSN 2181-497X
Навбатчилар: О.РАЖАБОВ, А.МУЗАФФАРОВ.